Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 24 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН
№ 94 (13.956).

1968 АПРЕЛЬ 21 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

22 апрелда жаҳон пролетариатининг улуғ йўлбошчиси, дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси В. И. Ленин туғилган кунга 98 йил тўлади

УЛУҒ ИНСОН

Башарият қўёш Владимир Ильич Ленин туғилган кунга эртага тўқсон саккиз йил тўлади. Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси улуғ Ленининг муътабар номи совет кишилари учун, бутун прогрессив инсоният учун чексиз азиздир. Бутун дунё меҳнаткашлари Владимир Ильични ўзларининг энг севимли устозлари ва доно маслаҳатгўйлари деб билади. М. Горький ибораси билан айтганда, абадий хотирасини сақлашга чинакам лойиқ бўлган иккинчи бир киши жаҳонга келган эмас. Ленин ана шундай буюк Инсон.

Буюк Ленин ўзининг порлоқ гениийси, тенгсиз жасорати ва ақл-идроки билан тарихий тараққиётни бутунлай янги изга бурib юборди, ер курраси нинг олтидан бир қисмида социализм байроғини тиклашдек улуғ жараёнга шахсан бошчилик қилди. Ленин ва партия раҳбарлигида Россия меҳнаткашлари қудратли бир зарб билан капиталистик тузумки емириб ташладилар ва янги социалистик тузум ўрнатдилар. Инсоният тарихида туб бурилиш даври — капитализмдан социализмга ўтиш даври бошланди. Тарихий тараққиётнинг ана шу энг инсонпарвар даврига ўтишнинг қонуниятлари ва асосий хусусиятларини улуғ доҳимиз кашф этди.

Фикрнинг равшанлиги, барча масалаларни тез тушуниш, принципиаллик, коллектив фикрларга қатъий риоя қилиш, ҳаддан ташқари сезгирлик, зўр қобилият, барча масалаларга дадиллик, ақли росалик билан ёндошиш, ҳамма нарсани тез мулоҳаза қилиш, ҳар бир вазиятни тўғри ҳисобга ола билиш, диққат-эътиборни энг муҳим масалаларга қаратиш сингари инсоний сифатлар, чуқур назарий билим ва тажриба революция доҳийси Ленин сиймосида тўла мужассамлашган. Унда конкрет вазиятни ҳамиша тўғри баҳолай биладиган сиёсатчи-марксистга хос қўшёрлик, эҳтиёткорлик ҳислатлари билан буюк революцион дадиллик ва қатъийлик уйғунлашган эди. Унинг революциянинг ғалабасидан кейин ишлаб чиққан ва дадиллик билан олға сурган социалистик қурилишнинг гениал планлари — мамлакатни индустриалштириш, қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуриш, маданий революцияни амалга ошириш режалари тўла рўёбга чиқди.

Ленин партияси раҳбарлигида ўтмишда қолоқ ва ожиз, ҳўрлик, зўрлик, жаҳолат, зулм ҳукм сурган мамлакатда тарихан жуда қисқа муддат мобайнида социализм таntана қилди. Улуғ Советлар диёри бахт ва иқбол макони, гўзаллик ва тараққиёт ўлкаси бўлиб қолди. Совет Иттифоқининг қудрати ва шуҳратига бутун олам тан бермоқда. Барча қитъалардаги озодлик ва мустақил тараққиёт изига тушиб олган ҳамда ана шундай орзуни рўёбга чиқариш учун курашаётган мамлакатлар учун намуна бўлиб қолган қудратли мамлакатимиз билан чексиз фахрланамиз.

Улуғ Ленин коммунизм ғалаба қилиши муқаррарлигидан башорат бериб, ана шу энг олижаноб жамиятни барпо этишнинг гениал планини ишлаб чиқди. Дунёда биринчи бўлиб социализм қурган совет халқи коммунистик қурилишга ҳам зўр ишонч ва иқтиҳор билан биринчи бўлиб забардаст қадам ташлади. Партиямиз XXII съезди ишлаб чиққан ленинча Программада белгилаб берилган асосий вазифалар — коммунизм моддий техника базасини вужудга келтириш, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантириш, янги кишини тарбиялаш процесси жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. КПСС XXIII съезднинг, партия Марказий Комитети Пленумларининг қарорларида коммунистик қурилиш вазифалари ҳар томонлама чуқур асослаб берилди ва ривожлантирилди. Бутун Совет халқининг фикр-зикри, қалб ҳарорати, талант ва қобилияти, эзгу ниятлари Ленин кўрсатмаларини тўла рўёбга чиқаришга, партиямиз белгилаб берган улуғвор режаларни амалга оширишга қаратилган.

Ленин знёсидан нур эмган ўзбек эли бугунги кунда Совет Шарқининг машъали бўлиб қолди. Асрлар мобайнида ҳўрлик ва қашшоқлик, зулм ва жаҳолат ҳукмрон бўлган бу ўлка Ленин туфайли, Октябрь революцияси ғалабаси туфайли, партия раҳнамолигида капиталистик босқични четлаб ўтиб, социализм сари зафарли одим ташлади. Илгари арзимаган миҳ ҳам четдан сотиб олинган бўлса, эндиликда Ўзбекистон маркази билан 91 мамлакатга маҳсулот чиқарилмоқда. Илгари ўлкамиз аграр бўлган бўлса, эндиликда қудратли индустриал-аграр республикага айланди.

Республикамиз саноатининг тармоғи юздан ошиб кетди. Забардаст завод ва фабрикаларга эгамиз. Совет ҳокимияти тузилгандан кейин орадан кўп ўтмай Ленин Мирзачўл ерларидан бир қисмини ўзлаштириш ва Тошкентда университет таъсис этиш тўғрисидаги декретларни имзолаган эди. Ушанда доҳий республикамиз истиқболига зўр назар ташлаб, шу тадбирларни маъқуллаган эди. Эндиликда бўлса, замонавий машина-ўскуналар билан қуролланган колхоз ва совхозларимизнинг таъриф достон бўлиб кетди. Ўзбекистон Иттифоқимизнинг асосий пахта базаси бўлиб қолди. Фан ва техника, маданият ва маориф соҳаларида қўлга киритган улкан ютуқларимиз билан ҳар қанча ғурурлансак арзийди. Ўзбекистон бойликларга кон диёр, гуллаб-яшнаган ўлка бўлиб қолди.

Буларнинг ҳамма-ҳаммасига биз халқларнинг ленинча дўстлигига, биродарлигига негизланган қардошлик-қондошлик ёрдами туфайли эришдик. Буларнинг ҳаммасига биз Коммунистик партиянинг доно ленинча миллий сиёсатининг таntанаси туфайли эришдик. Ана шу дўстлик байроғи остида барча иттифоқчи республикалар халқлари қатори Ўзбекистон меҳнат аҳли ҳам коммунизм қурилиши ишига катта ҳисса қўшмоқда.

Коммунистик партия халқимизни Ленин кўрсатган йўлдан сабот ва дадиллик билан олға бошлаб бормоқда. Доҳийнинг бебаҳо назарий мероси партиямиз фаолияти учун дастуриламалдир. Гениал назариётчи Ленининг дурдона асарларида башорат қилиб баён этилган коммунистик қурилиш вазифалари партия ва халқимизнинг иродаси, заковати билан амалга оширилмоқда. «Революцион назарияни ривожлантиришдаги ленинча босқич йигирманчи асрнинг марксизмидир, — деб илади КПСС Марказий Комитети қузуридаги марксизм-ленинизм институтининг Карл Маркс туғилган кунининг 150 йиллиги муносабати билан эълон қилган тезисларида, — ҳозирги давр марксизмидир. Ленинча давр, Ленин барҳаёт бўлган давр билан чекланиб қолмайди, бу босқични КПСС ва қардош партияларнинг назарий фаолияти узлуксиз давом этдирмоқда, бу босқич жаҳон коммунистик ҳаракатининг программ дастурларида мужассамланмоқда».

Ленининг буюк сиймоси, унинг инсониятни ҳар қандай қуллиқдан озод қилиш учун курашга бағишланган жўшқин революцион ҳаёти, унинг машъалдек ёрқин ва теран идеялари халқимизни янгидан-янги ғалабалар сари руҳлантирмоқда, бутун прогрессив инсониятни халқлар ўртасида тинчлик учун, коммунизм таntанаси учун курашга илҳомлантирмоқда.

В. И. Ленин Қизил майдонда. П. ВАСИЛЬЕВ картинасидан репродукция.

ҒАФУР ҒУЛОМ

ЛЕНИН ЧАШМАСИ

Қаҳроқ чўлда ташна қолган бола жайроқ оқибат
Ваҳму умид ўрталиғин саргардон неза-неза
Яшил воҳа, зилол сувли булоқ топса ниҳоят,—
Ҳар япроқ ўт, ҳар бир қатра умид наби пониза.
Худди шундай, худди шундай, менинг жафокаш халқим
Минг йилларнинг саҳросидан сен оша топди нажот.
Улуғ Ленин чашмасидан нур эмиб, ойдай балқиб,
Инсоният чаманида ленинча тузди ҳаёт.
Улуғ Ильич бизга атаб қўмсаган замон шудир.
Гражданлик ярашади бизга, асрдош ўрток,
Инсоният ўз шаънига топди муносиб ғурур.
Яшаётган кунларимиз бир-биридан ярқироқ.
Замон сенинг, умр сенинг қўлингдаги улушдир.
Кўнрагингни эркин ёзиб, тўйиб олган нафасинг.
Дўстлар ичра тотув, тўйин, тинч ва соғлом кулишдир.
Тоғу тошни титратгудай сенинг ҳиссу ҳавасинг.
Шарқу Ғарбга янги кунлар хушхабарин етказиб,
Жаҳон уфқин ҳайқириққа тўлдирганда «Аврора»
Ғул-занжирин узиб солиб, золимларга ғўр қазиб,
Қад кўтарди миллион-миллион мазлум оҳиз бечора.
Туркистонлик ялангтўшлар ҳузурингга етдилар,
Истиқболдай қучоғингни кенг очиб қарши олдинг,
Сен тингладинг, улар сенга армонларин айтдилар,
Ўйлаб олдинг, ўгит бердинг, порлаган йўлга солдинг.
Уша-ўша туркистонлик кенсалар авлодимиз,
Ўзбек, тожик, туркман, қиргиз мустақил республика.
Ленин бобо сўзларига хазинадир ёдимиз,
Ҳамма халқлар қон-қариндош, бир-бирга ака-ука.
Улуғ Ленин бизга очган маърифат дарвозасин,
САГУ оша қабримизни нурлатди зўр таълимот.
Коинотга қўтаролдик илмимиз овозасин,
Советский деган унвон оламаро катта от.
Совнаркомда Ленин ўзи имзо чеккан декретлар
Мирзачўлда, Езёвонда кўрсатмоқда мазмунин,
Қон-қонига Ленин эҳси сингган қизлар, йигитлар
Равшан этиб қишчи-деҳқон бирдамлиги янунин;
Билак, кўкрак мускуллари қайнаб чиққан қурч каби,
Бу қудратга табиатнинг ваҳший нучи бермас тоб,
Ҳар юмуши ўз халқига тўланажак бурч каби,
Бу меҳнаткаш ягринларда товланади офтоб.
Коммунизм қураётган ленинчи ботир авлод
Уфқларда ҳилпиратар партиямиз байроғин.
Халқлараро биродарлик асосин қилиб бунёд,
Тинчлик, тенглик нурларига кўмар ернинг ҳар ёғин.

ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШЛАРИДА

САМАРҚАНД, 20 апрель. (**«Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали**). Бу ерда область партия активи йиғилиши бўлиб ўтди.

Партия активи йиғилишида область партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ С. И. Усмонов КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг якунлари ва область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Актив йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Ш. Р. Рашидов қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

АНДИЖОН, 20 апрель. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали). Область партия активи йиғилиши бўлиб ўтди. Активда область партия комитетининг биринчи секретари Б. Раҳимов КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми якунлари тўғрисида доклад қилди. Актив йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчонов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

БОҒЛАР КЎПАЯВЕРСИН

Кўчат ўтказиш ойлиги планининг областлар, министрликлар ва идоралар томонидан бажарилиши тўғрисида шу йил 15 апрелгача бўлган маълумот билан танишиб, Областлар, министрликлар ва идораларнинг номларидан кейин биринчи рақам йиллик план, иккинчи рақам бажарилиши, учинчи рақам эса планга нисбатан процент ҳисобида бажарилишини билдиради.

ОБЛАСТЛАР БЎЙИЧА

Тошкент шаҳри 1073,0, 1440,8, 134,0, Тошкент области 4124,0, 3649,6 88,5; Сирдарё области 4762,0 6388,3, 134,1; Фарғона области 6872,0, 9211,3, 134,0; Андижон области 3569,0, 4984,9, 139,7; Наманган области 1761,0, 4107,4 233,2; Самарқанд области 7321,0 8114,5, 110,8; Бухоро области 4396,0, 7358,1, 167,4; Қашқадарё области 5700,0, 4370,9, 76,7; Сурхондарё области 3666,0 4220,9, 115,1; Хоразм области 3946,0 4667,4, 118,2; Қорақалпоғистон АССР 4502,0, 1151,1, 25,6.

МИНИСТРЛИКЛАР ВА ИДОРАЛАР БЎЙИЧА:

Қишлоқ хўжалик министрлиги 29.565, 37006,1, 125,3; Коммунал хўжалик министрлиги 3405, 3818,9, 112,1; Маориф министрлиги 1516, 1685,5 111,2; Соғлиқни сақлаш министрлиги 504, 380,7, 75,5; Озиқ-овқат саноати министрлиги 2389, 2778,1, 116,2; Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги 3301, 3094,0, 93,7; Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги 840, 1037,9, 123,5; ЎзССР Министрлар Совети ўрмон хўжалиги давлат комитети 6440, 5915,0 91,8; Урта Осиё темир йўли бошқармаси 1100, 1388,0 126,2; Голодностепстрой 1445, 1120,2, 77,5; Тошкент ижроия комитети 1073, 1440,8 134,0.

САНОАТИМИЗНИНГ ШАҲДАМ ОДИМЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТИДА ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1968 ЙИЛ 1 КВАРТАЛДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Саноат ходимлари беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, реализация қилинган маҳсулот ҳажми ва саноат маҳсулотининг энг муҳим кўпчилик турлари юзасидан 1968 йил 1 квартал планини 3,6 процент ошириб бажарилди. 1967 йил 1 кварталидагига нисбатан саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши 6,3 процентни ташкил этди.

Электр энергетика саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 1967 йил 1 кварталидагига нисбатан 1968 йил 1 кварталида 10,2 процент, ёқилғи саноатида 5,2 процент, шу жумладан газ саноатида 12,5 процент, қора ва рангли металлургияда 10,9 процент, химия ва резина — асбест саноатида 14,7 процент, машинасозлик ва металл ишлаш саноатида 7,3 процент, биноқорлик материаллари саноатида 20,7 процент, енгил саноатда 4,1 процент, озиқ-овқат саноатида 3,5 процент кўпайди.

Айрим министрликлар бўйича маҳсулотни реализация қилиш планининг бажарилиши ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш суръатларини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

	1968 йил 1 кварталда планни бажариш процентида	1968 йил 1 кварталда 1967 йил 1 кварталига нисбатан процент ҳисобида
Умумиттифоқ министрликларига қарашли корхоналар бўйича	103	108
Иттифоқ-республика ҳамда республика министрликлари ва идораларининг корхоналари бўйича:		
СССР Қора металлургия министрлиги	110	106
СССР Рангли металлургия министрлиги	105	112
СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги	102	102
«Ўзбекуголь» комбинати	104	97
Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги	104	109
Ўзбекистон ССР химия саноати бошқармаси	104	113
Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочсозлик саноати бошқармаси	105	109
Ўзбекистон ССР Биноқорлик материаллари саноати министрлиги	99,5	115
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги	101	105
Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги	107	100,6
Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги	105	101
Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги	101	108
Ўзбекистон ССР балиқ хўжалиги бошқармаси	50,4	86
Ўзбекистон ССР Ғалла маҳсулотлари ва аралаш озуқа саноати министрлиги	105	106
Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги	102	135

Тошкент шаҳри, республикамизнинг барча областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг саноати реализация қилинган маҳсулот ҳажми ва кўпчилик энг муҳим буюмлар ишлаб чиқариш жиҳатидан белгиланган планни бажариб бўлди.

Кўмир, нефть ва газ қазиб чиқариш, электр энергияси ҳосил қилиш, пўлат, прокат, экскаваторлар, скреперлар, химиявий машина — ускуналар, йигирув машиналари, тракторлар, трактор прицеплари, трактор культиваторлари, пахта териш машиналари ва кўсак чувиш машиналари, сульфат кислота, азотли, ва фосфатли ўғитлар, пахта толаси, канап толаси, пайпоқлар, гўшт, колбаса маҳсулотлари, консервалар, ўсимлик мойи ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш плани тўла ва ошириб бажарилди.

Ўзбекистон ССР бўйича 1968 йилнинг 1 кварталида асосий саноат маҳсулот турларини ишлаб чиқариш натурал ифодасини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

	1968 йил 1 кварталда ишлаб чиқарилди	1968 йил 1 кварталда 1967 йил 1 кварталига нисбатан процент ҳисобида
Электр энергияси (умумий фойдаланишдаги электр станциялар ва блок станциялар) — миллиард киловатт-соат	3,9	109
Нефть — минг тонна	458	109
Газ — миллиард кубметр	7,9	112
Кўмир — минг тонна	1125,5	95
Пўлат — минг тонна	99,7	103
Қора металлар прокати — минг тонна	82,6	104
Минерал ўғитлар — (шартли бирликларда) — минг тонна	811,4	113
Куч трансформаторлари — минг киловольт-ампер	472	103
Бронекабель — минг километр	3,7	104
Сигнал — блокловчи кабеллар — километр	1302	66
Компрессорлар — дона	540	113
Йигирув машиналари — дона	180	118
Тракторлар — минг дона	5,8	109
Трактор прицеплари — минг дона	8,2	104
Трактор сеялкалари — дона	1661	73
Трактор культиваторлари — дона	4300	102
Пахта териш машиналари — дона	2000	100,0
Чанглагич — пуркагичлар — дона	670	130
Осма электр кранлар (махсус кранлар ҳам шу ҳисобга киради)	268	98
Экскаваторлар — дона	280	116
Цемент — мин тонна	743	109
Йиғма темир — бетон конструкциялар ва деталлар (қурилиш ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар ишлаб чиқаргани бу ҳисобга кирмайди) — минг кубметр маҳсулот	607	116
Деворбоп панеллар — минг квадрат метр	494	111
Иморатбоп ғишт (колхозлар ишлаб чиқаргани бу ҳисобга кирмайди) — миллион дона	339,0	111
Асбоцемент шифер — миллион шартли тахта	52,1	94
Дераза ойнаси — минг квадрат метр	476	106
Қоғоз — тонна	5212	101
Мебель — миллион сўмлик	7,4	106
Рўзғор холодильниклари — дона	8078	82
Пахта толаси — минг тонна	402	103
Хом ипак — тонна	281	112

(Давоми 4 бетда).

А. Н. КОСИГИННИНГ ПОКИСТОНДА БЎЛИШИ

РАВАЛПИНДИ, 19 апрелда СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин билан Покистон президенти Муҳаммад Аюбхон ўртасидаги музокаралар давом эттирилди.

Ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар вақтида Совет—Покистон муносабатларини янада ривожлантириш масалалари, шунингдек халқаро аҳволнинг баъзи актуал проблемалари ҳар томонлама муҳокама қилинди.

ЛОҲУР. Покистонда расмий визит билан меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 19 апрелда Ғарбий Покистоннинг пойтахти, мамлакатнинг катта маданий ва саноат маркази — Лоҳурга келди. Совет ҳукуматининг бошлиғи билан бирга Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Киселев, Литва ССР Министрлар Советининг Раиси И. А. Манюшис ҳамда унга ҳамроҳ бўлган бошқа кишилар бу ерга келдилар.

Совет Иттифоқидан келган ҳурматли меҳмонга Ғарбий Покистон губернатори генерал Муҳаммад Мусо ҳамда Покистоннинг ташқи ишлар министри Шарифуддин Пирзода ҳамроҳлик қилмоқдалар.

ЛОҲУР. СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва унинг ҳамроҳлари 19 апрелда — Лоҳур аҳолиси Совет Иттифоқи ҳукумати бошлиғи шарафига ўтказган граждан қабул маросимида ҳозир бўлдилар.

Шу куни СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Лоҳурдаги тарихий жойлар ва диққатга сазовор жойлар билан танишди. Бу қадимий шаҳар Ғарбий Покистон вилоятининг маъмурий марказидир.

А. Н. Косигин ва унинг ҳамроҳлари XVII аср меъморчилигининг ажойиб ёдгори — «Бадшоҳи масжит»ни ва XVI асрда қурилган Лоҳур қалъасини томоша қилдилар. Совет меҳмонлари Лоҳур қалъаси музейи билан ҳам ганишдилар. Бу музейда миниатюранинг нодир коллекциялари ва мўғуллар идора қилган даврнинг бошқа тарихий ёдгорликлари сақланмоқда.

А. Н. Косигин қалъанинг ҳурматли меҳмонлари дафтарига ўз таассуротини ёзиб қолдирди.

А. Н. Косигин «Бадшоҳи масжит»ни ва Лоҳур қалъасини кўздан кечирганидан кейин Покистон радиосининг мухбирига қуйидагиларни айтди: «Биз сизнинг шаҳрингизда ўтмишнинг ажойиб ёдгорликларини кўрдик. Бу ёдгорликларни тиклаб, келажак авлодлар учун сақлаётган кишиларга иззат-ҳурматимни изҳор этаман. Бу — келажак авлодлар қадрлайдиган катта меҳнатдир».

Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигининг шаҳар бўйлаб қилган сафарида Ғарбий Покистон губернатори Мусо ва Покистон ташқи ишлар министри Пирзода унга ҳамроҳ бўлдилар (**ТАСС мухбирлари**).

ЛОҲУР, 20 апрель. (**ТАСС махсус мухбири**). Расмий визит билан Покистонда меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва унинг ҳамроҳлари бугун самолётда Лоҳурдан Карочига учиб кетдилар.

ТАШАББУС

С. ОБИДОВ,
Андижон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари.

Владимир Ильич экономика тўғрисида жуда кўп гапирган. У, иқтисодий ишлар даражаси, хўжаликни юритишнинг барометри, маҳсулот етиштириш ва унинг таннархини пасайтиришга қаратилган хилма-хил тадбирларнинг асосий звеноси бўлиб қолади, деган эди. Дохий туғилган кун арафасида унинг: Экономика биз учун энг қизиқ сиёсатдир, деган ҳикматли гапи ёдимга тушди. Бу гапнинг замирида бир олам мазмун ётади.

Чиндан ҳам буюк экономика биз учун қизиқ сиёсат бўлиб қолди. Икки йилдирки, саноатимиз меҳнаткашлари иқтисодий ислоҳот асосида иш юритмоқда. Иқтисодий ислоҳотни изчиллик билан амалга оширган завод, фабрикалар каттакатта ғалабаларга эришяпти. Саноатимиз ўз тараққиётининг янги, янада юксакроқ босқичига кўтарила бошлади. Бу партиямиз ишлаб чиққан ленинча иқтисодий сиёсатнинг яна бир буюк ғалабасидир.

Мамлакатимизнинг ҳамма еридаги каби Андижонда ҳам планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси дадиллик билан жорий қилинмоқда. Ҳозир шаҳардаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли ёғ комбинати, пойафзал фабрикаси, ун комбинати, пива заводи сингари 6 та корхона ва 4 та автомобиль хўжаликларида иқтисодий ислоҳот амалга оширилди. Шу йилнинг охиригача қолган барча корхоналар ва автомобиль хўжаликлари янгича ишлашга кўчади. Иқтисодий ислоҳотга ўтган корхоналар экономикаси жадал суръатлар билан юксалиб боряпти. Буни Андижон ёғ комбинати мисолида кўрса бўлади. Бу корхонанинг янгича ишлашга ўтганига тўққиз ойдан ошди. Комбинат ўтган йили 245 тонна ёғ сотди, ёғни қайта ишлайдиган цехларда эса совун, хом ва дистилланган ёғ кислоталар таннархи 41,2 минг сўмга арзонлаштирилди. Янги системага ўтилгач, унча харидоргир бўлмаган маҳсулотлар ҳажми камайтирилди. Рентабелли маҳсулотлар эса кўпайтирилди. Комбинатда маҳсулотнинг сифат кўрсаткичи яхшиланди. 1967 йилда олий сортли рафинацияланган ёғ ишлаб чиқаришга киришилди. Ушандан бери 2 минг тонна юқори сорт ёғ ишлаб чиқарилди. Коллективнинг баракали меҳнати яхши рағбатлантирилмоқда. Ўтган йили моддий рағбатлантириш фондига ўтказилган пул 46 минг сўмни ташкил этди.

Утган йили шаҳар корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1965 йилдагига нисбатан 45,5 миллион сўмга ортди. Маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига 9 минг сўм иқтисод қилинди. Кейинги икки йил ичида 700 га яқин ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди. Шу ҳисобга 1,5 миллион сўм иқтисодий фойда кўрилди.

Меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш борасида ҳам талай ишлар қилинди. Фақат 1967 йилнинг ўзида саноат корхоналарида шу масалага оид 20 дан ортиқ план ишлаб чиқилиб, жорий этилди. 1968 йилнинг биринчи кварталида ўтган йилги ютуқлар мустаҳкамланди. Шаҳар саноати уч ойлик планни муваффақиятли бажарди. Меҳнат унумдорлиги анча ортди. Маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига бир неча 10 минг сўм иқтисод қилинди.

Шаҳар партия комитети ленинча уш услубига суяниб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш жараёнида қатор масалаларни ҳал этмоқда. Партия ташкилотлари ишлаб чиқариш экономикаси билан чуқурроқ шуғулланадиган бўлиб қолди. Кадрларнинг иқтисодий билимини оширишга алоҳида аҳамият бериляпти. Барча корхоналарда кадрларнинг иқтисодий ўқиши йўлга қўйилган, унга 12 минг киши жалб қилинган. Бундан ташқари иқтисодий конференциялар ўтказилмоқда. Икки йилдан бери шаҳар партия, хўжалик активи мактаби ишлаб турибди.

Партия ташкилотлари тежамкорлик учун курашнинг ташаббускорлари бўлмоқда.

Суратда: Владимир Ильич Ленин ва Надежда Константиновна Крупская. 1919 йил 6 май, Москва.

Асқад МУХТОР.

ҚАЛБДАГИ ҚУЁШ

Ҳамма нарса унутилади. Энг ёрқин машъаллар ҳам ўтмишнинг туман пардаси ортида хира тортиб, бора-бора кўзимиздан яширинади. Вақт тўхтовсиз, вақт беомон. Унинг синоятга қуёш каби қудратли ҳаётбахш манбаларгина бардош беради.

Бизнинг асримизда янги бир ҳаётбахш манбанинг чашмаси очилди. Ерда эмас, осмонда эмас, инсоннинг қалбида очилди. У инсонга хос умид ва ишонч билан, бахтга интилиш ва муҳаббат билан бирга туғилди. Шунинг учун у ҳар авлодда, ҳар ёш қалбда янгиланади, шунинг учун у мангудир.

Ленин таълимоти шундай манбаки, вақт ўтиши билан ўнинг саҳоватли бениҳоя ортиб боради. Вақт уни хиралатмайди, вақт уни кучга тўлдиради, янада ёрқинроқ порлатади. Чунки инсон табиати шундайки, у тобора яхшироқ, оқилроқ, олижаноброқ бўлишга интилади, қурашади, порлоқ келажакка талпинади, ҳаётн йил сайин яхшиланади, қалби ҳамон бойиб боради. Порлоқ келажак, фаровон яшаш, инсон қалбининг софлиги эса Ильичнинг эзгу орзулари эди.

Ленин келажакнинг гуркираган бойлиги кўзда тутиб, чексиз орзуларнинг уруғини экди. Унинг даҳоси шундаки, ҳар бир сўзининг, ҳар бир ғоясининг давр ўтган сари улуғ кучга айлана боришига кўзи етарди. Машҳур ГОЭЛРОни олинг. Ўша вақтда ақл бовар қилмайдиган бу жасоратли режа бўйича бизнинг ўлкамизда ҳам кичикнагина Бўзсув ёқасида бир электростанция қурилган эди. Ҳозир республикамиз қудратли индустриясининг ўн икки миллиард киловаттлик электр юраги гурс-гурс уриб турибди.

Владимир Ильич инқилобнинг биринчи баҳорида Мирзачўлда бир неча юз десятина қўриқ очиш ҳақида орзу билдирган эди. Ленин ғояси бу ўринда ҳам йиллар ўтган сари барқ уриб улуғ кучга айланди. Мирзачўл-ку, ҳозир оламга машҳур водий. Эндиликда унинг ўзидан ҳам ўтадиган иншоотлари пайдо бўлмоқда. Куни-кеча мен Қарши чўлларидан қайтиб келдим, Уч-тўрт йиллик меҳнат натижасида ҳозир бу қадимий чўлнинг келажаги кўзга кўриниб қолди. Бу келажак ҳақиқатан ҳам буюк: Андижон, Фарғона, Самарқанд областларининг ерларини бирга қўшиб кўз олдингизга келтиринг! Ҳозирги барханлар ўрнида Таллимаржон ва Шўрсой денгизларнинг уч миллиард кубометрли гигант косаси чайқалиб туради, 25 минг километрли ер ости қувурлари, 10 минг километрли ирригация тармоқлари, навқирон водийнинг қон томирларидек, баракали Аму сувини боғларга, экинзор ва яйловларга етказиб беради. Бунинг учун инсон қўли билан қарийб икки ярим миллиард кубометр тупроқ олинган, 15 миллион кубометр бетон ётқизилиши керак. Олимларнинг ҳисобига кўра, Қарши даштининг биринчи навбат қурилишлари тугаганда, бу ерларда ишга тушадиган эллинка яқин янги совхоз бу сарфларни тезда қайтариб бериб, Ватанга ҳар йили миллиард сўмлаб фойда келтира бошлайди!

«Миллиард» сўзини кўп ишлатишга тўғри келяпти. Қизиқки, бу фантастик рақамлар бизни ҳайратга солмай қўйган, одам ўз қўли билан яратган нарсага ўрганиб қолади шекилли. Единственадир, Герберт Уэлс буюк фантаст бўлса ҳам, ГОЭЛРОга ишонмаган эди. Энди бўлса нима дер эди экан?!

Владимир Ильич шарқда бўлган эмас. Ленин шоирларимиз «Ленин Помирда» (Миршакар), «Ленин колхозда» (Мирмуҳсин) деб шеърлар, поэмалар ёзадилар. Юқоридагидек фактларни ўйлаганда бундай рамзий тасаввурларга астойдил ишонасан, киши. Ленин ғоялари етиб бормаган жой, Ленин ғоялари ҳаяжонга солмаган соф юрак оламда йўқ. Ленин номи одамнинг ўзи, ўз қадри ҳақидаги тушунчасини, халқлар тақдирини, замона ва ҳаёт мазмунини ўзгартириб юборди.

Ўтган йили кузда москвалик журналист дўстларим шарофати билан мен Рафик Аҳмад деган бир кекса ҳинди билан танишдим. Ҳиндистон ярим оролининг энг жанубида ўсган бхопаллик бу қариянинг чуқур ботган кўзларидан кўп нарсани ўқиш мумкин эди. У Осиё Октябрь садоларидан тўлқинланган йиллари Ҳимолай чўқиларини ёзё босиб ўтиб, Аму бўйида инглиз эмиссарлари ва босмачилар билан жанг қилиб, кейин яна саҳролар, хароба қишлоқлар оша ойлаб ёғ юриб Москвага етиб келган.

У Ленинни кўргани келган эди. Қарасаки, у ҳизир ҳам эмас, пайғамбар ҳам эмас, афсонавий Будда ёки Мхатма Ганди сингари эзгу дарбадар ҳам эмас, оддий инсон. Бу унга ажойиб юксак руҳ бағишлади, ўз кучига ишонч туғдирди. Шунинг учун юртига қайтиб боргандан кейин Британия мустамлакачиларининг қийноқ ва таҳқирларига мардона ғазаб билан жавоб берольди. Улуғ Ленин вафоти ҳақидаги хабар оламга тарқалганда у зиндонда эди...

Мана ҳозир у, Октябрь уйготган Шарқнинг Ленин ҳузурига йўллаган илк элчиларидан бири, яна Москвада, Ильич мақбараси олдида бош эгиб турибди. У миннатдор, унинг буюк ватани ҳам эндиликда ажнабий золимлар чангалидан озод, мустақил, ўз истиқболи сари бормоқда!

Ильичнинг айни баҳор кунлари туғилганлиги бир тасодиф бўлса ҳам, ажойиб рамзий маъно касб этади. Бу кишилик баҳорининг туғилишидир. Бутун олам ёшариб, меҳнат, софлик ва шодлик ҳукм сурганда барча халқлар тилларида улуғ Ленин номи янграйди. Ленин сўзи адолат учун жангларда, синфий баррикадаларда, тинчлик минбарларида курашчиларга мадад, қанот ва байроқдир. Миллион қалблардаги қуёш тобора юксалиб, тобора ёрқинроқ порлаётгандек. Ленинизм кишилигининг ягона эътиқоди бўлиб қолажак!

САРЧАШМА

Ю. ГОЛУБКОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби.

Ал Хоразмий, Беруний, Улуғбек каби ўзбек олимларининг ақлу заковати ўз даврида жаҳон фанини ҳайратга солгани тарихдан маълум. Аммо бундай олимлар, зулмат ичида чақнаган нурлар жуда оз, бармоқ билан санарли эди, сабаби талантли халқ феодализм юкининг оғирлигидан, мамлакат харобалигидан қаддини тутолмасди.

Улуғ инқилоб тантана қилгач, тинкаси қуриган халқнинг кўкрагига шамол тегди. Гражданлар урушининг давомида ҳам илмга чанқоқ халқ ўзи қон кечиб қўлга киритган биринчи ишчи-деҳқонлар давлатини сақлаб қолиш учун бир қўлига қалам, бир қўлига қилич олди.

Шахсан Ленининг ташаббуси билан Туркистон Совет республикасида илм-фанни ривожлантириш, миллий кадрлар етиштириш ниятида 1920 йилда ҳозирги Тошкент Давлат университети—Туркистон Давлат университети таъсис этилди.

Туркистонга Ленин Декрети билан келган ёш мутахассислар, олимлар орасида мен ҳам бор эдим. Бу билан ўзимни жуда бахтиёр деб ҳисоблайман. Қарийб 50 йилдирки, Тошкент Давлат университетининг геология факультетида муаллимлик қиляпман. Қарийб ярим аср мобайнида қанчадан-қанча миллий кадрлар учирма бўлди. Улар Ўрта Осиёнинг турли бурчакларида фан ва техниканинг, қишлоқ хўжалигининг ҳамма жабҳаларида хизмат қилмоқдалар

Шу кунга қадар 22000 кадр етишиб чиқди. Бу биргина ТошДУнинг кадрлари. Булар Ўзбекистонга Ленин Декрети билан келган машҳур олимлар Уклонский, Райкова, Орлов, Мухин, Ошанин, Каровин, Шредер, Кошкаров, Семёнов, Наумов, Романовскийларнинг шогирдларидир.

Ўзингиз бир қиёслаб кўринг, илгари деярли ёппасига саводсиз бўлган халқнинг олимларини бугун бутун жаҳон танийди. Халқ саводхон бўлди. Биргина бизнинг университетимизда Ўзбекистон Фанлар академиясининг 13 академиги, 4 мухбир аъзоси, республикада хизмат кўрсатган фан арбобларининг 20 таси; ўнлаб профессорлар ёшларни илм чўққиларига етакламоқда. Сафимизда фан ва техникада кашфиёт яратганлардан уч киши Ленин мукофоти лауреати, 15 киши Давлат мукофоти лауреати эканлиги қувонарлидир.

Қувонмай бўладими, шу дорилфунунда таҳсил олганлардан Ленин мукофоти лауреати, атоқли олим И. Х. Ҳамробоев, СССР Медицина фанлари академиясининг академиги Г. В. Лазуревскийлар етишиб чиқди. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин эди. Эндиликда шу дорилфунунда таҳсил олган Қори Ниёзий, Ҳ. Абдуллаевни бутун дунё танийди. Ўзбекистоннинг Е. Турақулов, О. Содиқов, С. Сирожиддинов, Х. Усмонов, М. Ўрозбоев каби юзлаб манаман деган олимлари халқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Хуллас, Ўзбекистон тараққиёти, одамлар камолоти Ўзбекистонда Ленин даҳоси билан вужудга келган фан билан чамбарчас боғланади.

Бу фан дарёсининг сарчашмаси Ленин Декретидан бошланган эди.

В. И. ЛЕНИН ҲАҚИДА ХОТИРАЛАРДАН

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда олиб борилаётган ҳамма ишларда Ильичнинг роли қанчалик катта эканлигини ҳам биламиз. У кўп ва жуда кўп йилларга мустаҳкам куч-қувват бахш этган.

Н. К. Крупская

Ленин кулишни яхши кўрарди. Бошқаларникига қараганда унинг юзида тез-тез табассум ёйилиб турган. Кузатувчан инглиз Рансом замонимизнинг энг улуғ кишиси қувноқ, беғараз кулгини яхши кўришини фахмлаган, буни тўғри тушунган эди: «Бу кулгининг манбаи кучдир, — дейди Рансом, — бу куч Ленининг ғоят зўр қобилиятидагина эмас, балки унинг коммунизмида ҳамдир. У жамият сирларини очадиган ва қийинчиликларни енгадиган ғалати калитга эга, коммунизм идеяси уни ўз башоратининг тўғрилигига шунчалик ишонтирганки, турган гап, бошқа ҳеч қандай арбоб ўзига, ўз планларига, ўз режаларига бунчалик қаттиқ ишониши мумкин эмас».

А. В. Луначарский

Унинг барча соф виждонли кишиларни ўзига жалб қиладиган қандайдир алоҳида бир меҳрғиёси бор эди. Владимир Ильич билан салпал таниш бўлган кишилар ҳам ленинча мақсад сари йўналтирилган қудратнинг алоҳида хусусиятларини даҳшат пайқаб олар эдилар: Ленин ҳеч қачон савлат солиб юриш ва турланиб кўринишни билмас, ҳамиша зўр билимлар билан қуролланган бўлиб, меҳнаткашларнинг муҳим ва туб манфаатларини ҳар доим сергаклик билан ҳимоя қилар эди.

Г. Кржижановский

ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИДАН

Ленин: «Кўзинг оч!» деди,
Нодонлиндан қоч! — деди,
Ҳақиқатни тушуниб,
Илм нурин соч! — деди.

Эсон бўлсин шўролар,
Ишчи-деҳқон отаси.
Меҳнаткашга йўл очган
Коммунистлар фирқаси.

Сувда ўйнайди қундуз,
Чақнайди ёруғ юлдуз
Қоронғуси қурисин
Яйрайлик, бўлди кундуз.

— Бирлаш, ишчи-деҳқон! — деб
Ленин отам ўргатди.
Зулмат чилпарчин бўлиб
Элимизда тонг отди.

Бизга йўлни кенг қилди
Хотин-қизни тенг қилди.
Ленининг ҳар бир сўзи
Ишимизни ўнг қилди.

Ўзбекистон ССР халқ рассоми Л. Абдуллаев чизган ушбу суратда В. И. Ленининг Шарқ хотин-қизлари билан учрашуви акс эттирилган.

ЧАРОҒОН ҚИШЛОҚЛАР

Республикамиз шаҳар ва қишлоқларини айланган киши пролетариатнинг улуғ доҳийси Владимир Ильич Ленининг бутун мамлакатни электрлаштириш ҳақидаги орзулари тўла амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлади. Электр энергияси эндиликда қишлоқ ҳаётига сингиб кетди. Хўжалик ишлаб чиқаришида, маиший турмушда электр энергиясидан муваффақиятли фойдаланиляпти. Қишлоқларда телевизор, радиоси бўлмаган хонадонни учратиш қийин. Холодильник, кир ювиш машинаси ва бошқа рўзғор буюмларидан фойдаланишда ҳам электр энергияси колхозчи ва совхоз ишчисига жуда қўл келмоқда.

Ўлкамиздаги ҳамма колхозлар ва совхозлар Ильич нуридан чароғон. Республикадаги колхозларнинг 75 проценти ва совхозларнинг 82 проценти давлат энергетика системасидан баҳраманд бўлаётир. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ишлаб турган электр установкаларининг умумий қуввати 300 минг киловаттдан ҳам кўплик қилади. Бу электр установкалар ўтган йили 1 миллиард киловатт-соатдан кўпроқ электр энергия истеъмол этди.

Шу кеча-кундузда колхоз ва совхозларда 20 минг 981 электр двигатели ишлаб турибди. Уларнинг жами қуввати 164 минг киловаттга етади. Кейинги йилларда республикамизда колхоз ва совхозларни электрлаштириш салмоғи ортди. Партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқларни яна ҳам ободонлаштириш, меҳнаткашларга маданий-маиший хизматни тағин ҳам кучайтириш ҳақидаги кўрсатмалари дадил амалга оширилмоқда.

Колхоз ва совхозларда электр узатиш тармоқлари қуриш авж олди. Темир-бетон устунлар ва тиргаклар кенг қўлланиляпти. Электр системалар барпо этишда бундай материаллардан фойдаланилиши уларнинг хизмат муддатини анча узайтириш имконини бераётир. Яқин-яқинларгача колхоз ҳамда совхозларни электрлаштириш асосан пўлат симларга асосланган бўлса, ҳозир ҳар жиҳатдан афзал бўлган пўлат-алюмин симлар ишлатилмоқда.

Колхозлар ва совхозлар ихтиёридаги машиналарнинг анчагина қисми электр ёрдамида бошқарилаётгаилиги қувончли ҳолдир. Колхоз қишлоқларини ва хўжаликларни сув билан таъминлашда электр энергияси қўл келмоқда. Чорвачиликдаги мураккаб ишларни механизациялаш, сут соғишни ва бошқа жараёнларни электр ёрдамида бажариш тобора кўпроқ аҳамият касб этаётир.

Ўтган йили колхозчи ва совхоз ишчиларининг 103 минг хонадони электрлаштирилди. Бу йил эса қишлоқ хонадонларини электрлаштиришга яна ҳам катта аҳамият берилмоқда. Беш йилликнинг охирига борганда республикамиздаги барча қишлоқ хонадонлари тўла-тўкис электрлаштирилиб бўлади. 1970 йилда қишлоқда яшовчи ҳар бир киши бошига 490-500 киловатт-соат электр энергия тўғри келади. Бундан буён қишлоқларни электрлаштиришда саноат усуллари тобора кенгроқ жорий қилинаверади.

Қишлоқларни электрлаштиришдан иборат катта вазифаларни ҳал қилишда кўпгина йирик қурилиш ва лойиҳа ташкилотлари актив қатнашмоқдалар. Республика Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг «Узсельэлектрострой» трести, қишлоқларни электрлаштириш бўйича Бутуниттифоқ лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё бўлими, «Средазэлектросетьстрой» трести, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ҳамда механизациялаш илмий-текшириш институти коллективлари бу соҳада айниқса баракали меҳнат қилмоқдалар. Бу ташкилотлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини электрлаштириш каби мураккаб вазифани ҳал қилишга қодир бўлган малакали кадрларни яна ҳам кўпайтиришлари лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ўз ишини пухта билган энергетика ходимлари ишлаб турган хўжаликларда электр энергиясидан фойдаланиш кенгайиб боряпти. Янгийўл районидаги Свердлов номли, Ленин номли, Оққўрғон районидаги Димитров номли колхозларда қишлоқ хўжалигини электрлаштириш салмоғи йилдан-йилга ортмоқда. Бу хўжаликларнинг ҳар бирида 70-80 тадан электр двигателлари ишлаб турибди. «Савай» ва «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозларида ҳам электрдан фойдаланиш борасида бой тажриба тўпланган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Республикадаги 252 хўжаликда чорва молларни сув билан таъминлашда, 230 хўжалик ерларни суғоришда, 605 хўжалик эса қўйларнинг жунини олишда электр энергиясидан фойдаланмоқда.

Ҳозирги замон қишлоқларимизга Ильич нурлари алоҳида файз киритиб турибди.

Қ. ОДИЛОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети оғир саноат ва машинасозлик бўлимининг инструктори.

ГУЛИСТОН ЎЛКА

Кишилик руҳининг ғоясиси Владимир Ильич Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ Мирзачўл ерларини ўзлаштириш, уни боғ-роғлар масканига, обод ва гўзал водийга айлантириш тўғрисида тинмай қайғурди. Улуғ доҳий бундан қарийб эллик йил мукаддам Туркистонда совет пахтачилигини ривожлантириш ва Мирзачўл ерларини суғориш учун маблағ ажратиш ҳақидаги ҳукумат декретига имзо чекди. В. И. Ленин туғилган кунининг 98 йиллиги зўр тантана билан нишонланаётган ҳозирги пайтда шу қисқа даврда жонажон партиямиз раҳнамолигида бу ўлкада асрларга тенг олам-олам ишлар амалга оширилганлигини айтиб ўтиш жуда мароқли.

Кексалар ҳали-ҳали эслашади: тарихий Декрет асосида чўлқуварлар бу жойларга дастлаб кўчиб келишган вақтда Мирзачўл ерлари нуқул қамишзорлардан ва ботқоқликдан иборат бўлган. шўр босиб кетган. Маълумки, бундай даштда деҳқончилик қилиш, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаб, экинлардан мўл ҳосил олиш осон эмас. Лекин бу қийинчиликлар ҳеч кимнинг қадрини бука олмаган. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан тўхтовсиз бериб турилган моддий-техника ёрдамига таяниб, ҳамма бир жон—бир тан бўлиб ишлади. Чўлда йил сайин катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Мана энди кўриниб турибдики, дашт қиёфаси ганиб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Яйдоқ сахро ўрнида йирик саноат шаҳарлари, юзлаб колхоз қишлоқлари, совхоз поселкалари, аҳоли яшайдиган обод пунктлар қад кўтарди. Район марказлари ҳам бир-биридан гўзал. Ҳар бир хўжалик юзлаб гектар қўриқ ерда боғлар, токзорлар, тутзорлар барпо этди. Йўл атрофларига, арик бўйларига ва бошқа бўш жойларга ўтқазилган мевали ва манзарали дарахтларнинг сон-саноғи йўқ. Академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг филиалигина кейинги йилларда 136 гектар боғ, 21 гектар токзор, 5 гектар анорзор қилди. Ўтган йили ҳар гектар боғдан 51-4 центнердан мева, ҳар гектар токзордан 65,6 центнердан узум, ҳар гектар анорзордан 85 центнердан анор олинди. Лекин бу ягона мисол эмас.

Назира ИУЛДОШЕВА,
Сирдарё районидаги Ленин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати.

Қўриқ ўлкада айниқса пахта етиштириш тез суръатлар билан кўпайтирилмоқда. Кекса ирригатор, ҳозир Мирзачўлнинг эски зонасини ўзлаштириш бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаётган Н. И. Бронецкийнинг айтишига қараганда, 1935 йилда бутун Мирзачўлда 34 минг тонна пахта етиштирилган. Сирдарё области ташкил этилган йил — 1963 йилда давлатга 410 минг тонна, 1966 йилда 457 минг 412 тонна «оқ олтин» сотилди. Бултур эса 485 минг тонна пахта етказиб берилди. Пахта ҳосилдорлиги ҳам йилдан-йилга ошиб боряпти. Кейинги беш йилда ҳосилдорлик гектарига ўртача 5.6 центнер кўтарилди. Ўнлаб хўжаликларда ҳосилдорлик ундан ҳам кўпроқ ошди. Улуғ Ленин номи билан аталиб келинаётган биз-нинг колхозда шу йиллар мобайнида гектаридан олинадиган ҳосилнинг қарийб 7 центнер ошишига эришилди. Областда пахтанинг асосий қисми машиналарда йиғиштириб олиняпти.

Областимиздаги колхоз ва совхозларнинг ҳар хил техника билан етарли қуролланганлиги уларга тобора кўпроқ қўриқ ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш ва тупроқнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш имкониятини беряпти. 1923 йилга қадар, яъни Декретга қўл қўйилганидан сўнг ўтган беш йил мобайнида Мирзачўлда 35 минг гектар қўриқ ишга солинди. 1927 йилда экин майдони янги ерлар ҳисобига 60 минг гектарга етказилди. 1956 йилда янги ўзлаштирилган ерларнинг ҳажми 200 минг гектар бўлди. 1926 йилдаги 27 минг гектар ўрнига 1966 йилда 211 минг гектардан ортиқ ерга чигит экилди.

Мирзачўл ерларининг истиқболи порлоқ. Беш йилликнинг учинчи йилида давлатга 505 минг тонна пахта сотиш, 235 минг тонна дон, кўп миқдорда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш мажбурияти олинган. Бу йил 19,2 минг гектар қўриқ ўзлаштирилади. Беш йиллик охиригача Мирзачулнинг эски зонасини ўзлаштириш бошқармаси йўли билангина 160 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Шу мақсадда вертикал зовурлар кўпайтирилиб, секундига 50 куб сизот сувни тортиб оладиган қувватга етказилади. Пахтаорол ва Ётписой районларида янгидан бир неча вертикал зовурлар қуриш мўлжалланмоқда. Бошқа зоналарда ҳам зовурлар кўпайтирилади. Асосий магистрал каналлар кенгайтирилади ва бир қанча суғориш шохобчалари ремонт қилинади.

Бир вақтлар қақраб ётган дашт-биёбонда Ленин Декрети асосида ана шундай улуғвор ишлар қилинди ва қилинмоқда. Бундан зўр ишларни амалга оширадилар, йил сайин кўпроқ қўриқ ўзлаштириш, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўли билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни тобора кўпайтирадилар, чўлни боғбўстонга, гўзал водийга айлантираверадилар. Бунга ҳеч шубҳа йўқ.

В. И. Ленин М. В. Фрунзенинг ахборотини тингламоқда.

П. Васильев чизган сурат.

ИЛҲОМ ЧАШМАСИ

Доня ЗОКИРОВ,
композитор, Ўзбекистон ССР халқ артисти

Биз — ижодкорлар ҳаётни илҳом манбаи, ижод мавзуи деймиз. Ўз асарларимизда ҳаёт гўзаллигини мадҳ этамиз. Лекин яна шундай бир манба борки, ундан илҳом олмаган, ўрганмаган, ўрнак олмаган, уни ўз асарларида куйламаган, акс эттирмаган ижод аҳли бўлмаса керак. Бу ижод манбаи, илҳом чашмаси — Владимир Ильич Лениндир.

Мен консерваторияда, Алексей Козловский қўлида композиторликдан таҳсил олиб юрган кезларимдаёқ ана шу ажойиб ва мураккаб мавзуга қизиқиб қолгандим. Буюк Ленин, шонли Партиянинг шарафловчи музика асарлари яратишни орзу қилардим.

Ўқишни тугатиб, мустақил ижодий иш билан шуғуллана бошлашим билан Ленин, Партия мавзуларига мурожаат қилдим. 1959 йили шоир Аҳмад Бобожоннинг «Доно партия» шеърига куй басталадим. Илк муваффақиятдан илҳомланиб шундан кейин шоир Шуҳратнинг шеъри билан «Улуғ Ленинга минг ташаккур», Акмал Пўлат сўзи билан «Коммунистик партия» хорларини яратдим. Шоир Пўлат Мўмин билан «Доҳий партиям» қўшиғини ёздик. Лекин булар ҳали мени қаноатлантирмас эди. Ленин ва Партия мавзуида каттароқ асар яратиш нияти мени тинч қўймасди. Ниҳоят катта жанрга ҳам қўл урдим. Шоир Маъруф Қориев билан ҳамкорликда 5-қисмдан иборат «Ленин даҳоси» номли кантата яратдик. Хор-оркестр ва солистлар ижро этадиган бу кантата «Ленин декрети», «Тинч-омонлик кечалар», «Мирзачўлга тўй келди», «Вальс», «Ассалом Октябрь», «Ассалом Ленин» қисмларидан ташкил топган.

«Ленин даҳоси» номли кантатада эзгу орзуим бўлган доҳий мавзуини озми-кўпми ўзимга маъқул музика тилида мадҳ эта олганимдан беҳад хурсандман. Лекин бунинг ижодимда чегара деб билмайман. Ҳали бу мавзуда анча ишлар қилиш ниятим бор. Ҳаёт тинч турмаганидек, доим яратиш иштиёқи билан яшайди-ку!



Российская Коммунистическая партия
АНКЕТА
для делегатов X Всероссийского Съезда Р. К. П.

Ўзбекистон халқлари тарихи музейи жуда бой едгорликлар ҳазинаси бўлиб қолган. Музейда жуда нўл қиммати, ноёб тарихий ҳужжатлар бор. Булар орасида В. И. Ленининг ҳаёти ва революцион фаолиятига оид материаллар алоҳида ўрин тутади. Шулардан бири доҳийнинг шахсий анкетасидир. Бу анкета Москвадаги В. И. Ленин музейида сақланаётган асл нусҳадан нўчириб келтирилган. В. И. Ленин ўзининг бу шахсий анкетасини партиямизнинг X съездига делегат қилиб сайланиши муносабати билан тўлдирган. Маълумки, доҳий ушбу съездга Москва партия ташкилотидан номзод қилиб кўрсатилган эди.

Доҳий анкетада кўрсатилган барча саволларга жавоб қайтарар экан, унда Халқ Комиссарлари Совети ҳамда Меҳнат ва Мудофаа Советининг раиси эканлигини ҳам қайд этган. Анкетанинг охирларига 1921 йил 7 мартда тўлдирилди деб қайд қилган ва имзо чеккан.

А. РИЗАЕВ,
Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг катта илмий ходими.

ДЎСТЛИК УЗУГИ

Зоя ВОСКРЕСЕНСКАЯ.

ҲИКОЯ

Май ойи эди. Шушенское қишлоғининг экинзор далалари кўм-кўк барра майсалар билан қопланганди. Дарахтлари қирқилавериб яримлаб қолган ўрмон куртаклар чиқариб, барглар ёзиб, ажиб бир тусга кирганди.

Оскар, супа устида, кексайиб қолган уста қўлидаги заргарлик асбобининг қанчалик тез ва илдам ҳаракат қилаётганига маъюс кўз тутиб ўтирарди.

— Нима, тобинг йўқми, ўғлим?—деб сўради ундан уй бекаси.

Оскар ҳеч нарса деб жавоб қайтармади. Ахир, нима учун ўзининг шундай ҳолатга тушиб қолганлиги сабабини ўзи ҳам билмагач, нима деб жавоб қилсин энди?

Яқиндагина Владимир Ильич ҳам ундан: «қаеринг оғриятти, қандай оғриятти?» деб бир соат давомида сўраб-суриштириб ўтирди. Оскар унга ҳам бамаънироқ қилиб тушунтириб беролмади... «Ўзимдан-ўзим дармонсизланиб кетдим тамом! Яна йигирма икки ёшимда шундай бўлганимни айтмайсизларми! Назаримда, худди қўлларим ҳам ўзимга ортиқчалик қилаётгандек. Ухлаш учун ётсам—икки ёнимда таёқдек қотиб, увушиб қолади. Юрсам-турсам—икки ёнимда саланглагани-саланглаган, ўтирсам—қаерга қўйишимни билмайман!..»

Оскарнинг биринчи марта қўлига ушлаган заргарлик асбоби—узукларни қайирадиган узун пўлат таёқча бўлди. Устаси Тайфер заргар неча марталаб шу таёқча билан Оскарнинг бошига уриб иширгганининг асло ҳисобига етиб бўлмасди. Тайфер заргар ҳеч қачон Оскарнинг исмини айтиб чақирмас, балки яккаш уни камситиб ва ҳақоратлаб: «ҳей, исқирт, бу ёққа кел!» деб чақирар эди.

Оскар тўрт йил шу аҳволда хўжайиннинг уйида унинг болаларига қараб, овкат, ароқ ташиб, ора-сира заргарлик ишларини ўрганиб юрди. Ўн олти ёшга кирганден кейин эса, хўжайин билан хайр-маъзур қилиб, Путилов заводига ишчи бўлиб кирди.

Оскар шунгача заргар эди, мана энди чилангар бўлди. Ким кўрниса шундан хўрлик тортиб юрадиган оддий бир шогирд эди у, мана энди довюрак инқилобчи бўлди. Нозиниҳол боладан манаман деган питерчи ҳунарманд бўлиб етишди. Унинг билакларининг бақувватлиги, муштуманди ҳаётга тўғрисида ҳатто кейинчалик заводда фош қилинган бир фитначи ҳам гувоҳлик бериши мумкин эди. Ахир, Оскар ана шу фитначи туфайли уч йил сургунда юриб келган эди-да...

...Оскар супадан туриб, кулбага, ўз хонасига кириб кетди. У икки қўлини бошига ёстиқ қилиб, ҳар ҳолда кетаётганини ҳам ва ёки бирон бир нарса тўғрисида ўй ўйлаб ётганини ҳам билиб бўлмасди.

У, аллақандай оғир ғичирлаш ва ишчиларнинг шов-шув қилган товушлари қулоғига кириб уйғонди. Ўрнидан турib, дераза ёнига келди. Шундқ-ёнида қаршисида, Зиряновларнинг уйи тўғрисида, бир арава келиб тўхтаган эди. Аравада шаҳарликларга хос қўйлак ва шляпа кийган иккита аёл ўтирарди. Чўғур-чўғур қилган бир тўп болалар уларни ўраб олишган бўлиб, Лёнька ҳам шуларнинг ичида эди.

— Ий-е, бу келган Владимир Ильичнинг қайлиғи-ку!—деди Оскар хитоб қилиб ва дарҳол кулбадан чиқиб, уларнинг кетиқболига югурди.

— Сиз, Надежда Константиновна бўласизми? Салом!—деди Оскар уларнинг олдига етиб боргач, қадди-басти келишган ва эгнига кул ранг кофта кийган ёш жувонга мурожаат қилиб.

Жувон, ёниқ қўй кўзлари билан унга тикилар экан, бўлиқ лабларига кулки югурди:

— Сиз эса, эҳтимол, бемор деб айтишган Оскар бўлсангиз керак-а? Нимагадир, ҳеч беморларга ўхшамайсиз! Салом, салом!—ёш жувон шундай деб Оскарга қўлини чўзди.—Онам билан танишинг, исми-шарифлари Елизавета Васильевна... Нима учун энди Владимир Ильич бизларни кутиб олиш учун чиқмади? Мабодо, бетоб эмасми?

— Улар овга чиқиб кетишди,—деди Лёнька оёғи билан тупроқ ўйнаганча.

Болалар чўғурлашиб унинг гапини қайтардилар.

Зиряновларнинг уйи серзавқ, шов-шувга тўла эди. Хурсанд бўлган Владимир Ильич чашкаларни қўйишда Надежда Константиновнага ёрдам қилар ва уни совғаларни тезроқ эга-эгасига топшира қолишга қистар, айниқса китобларни яшириб ўтирмаслигини илтимос қиларди.

— Ҳеч ҳам йўқ-да!—дерди Надежда Константиновна бошини чайқаб. У қанча жиддий кўринишга ҳаракат қилмасин, бари бир кўзлари кулгидан аримас эди. — Бунақа кутиб олишлар учун совғалар бекор қилинади. Биз совғани фақат Лёня билан Оскар Александровичга берамиз. Чунки улар бизни жуда яхши кутиб олишди.—Шундай деб Надежда Константиновна Лёнькага битта янги, ичида ажойиб расмлари бор китоб берди. Сўнгра Оскар Александровичга мурожаат қилиб:—Мана бу эса сизнинг дарднингизга даво бўлади!—деди четан саватни кўрсатиб.

— Шундай, шундай! Ҳақиқатан ҳам булар сизнинг дарднингиз учун чинакам даво бўлади!—деди Владимир Ильич қайлиғининг сўзларини тасдиқлаб.

Оскар журъатсизлик билан корзинка тепасига келди ва ўтириб, секин-аста унинг ичидаги нарсаларни оча бошлади. Қараса—ичи тўла ёғли кўк қоғозларга ўралган нарсалар. Оскар биттасини очиб қараб... кўзларига ишонмай қолди: шперак—заргарлик бўюмларини тайёрлашда ишлатиладиган кичкинагина сандон. Шундан кейин Оскар қоғозга ўроглик нарсаларнинг тез-тез иккинчисини очди, учинчисини очди, тўртинчисини очди — ҳаммаси тўла-тўкис заргарликда ишлатиладиган нодир асбоб-ускуналар. Энг тагидан эса—узукларни қайирадиган пўлат таёқча чиқди.

— Ў-ў-ў, ана сизнинг ёмон кўрадиган темир таёқчангиз ҳам чиқди!—деди Владимир Ильич хитоб қилиб.—Қани, мен бир кўрайин-чи, уни.

— Бу фақат баджаҳл одамларнинг қўлига тушса ёмон нарса!—деди Оскар эътироз билдириб. Шундай деб у тўла ҳалжон билан ўрнидан турди.

Иккита қотмадан келган аёл оғирдан-оғир шундай морзинкани тўрт ярим минг чақирим келадиган йўлдан кўтариб келишганди. То бу ерга етиб келгунча тўхтаб ўтиладиган бекат жойларнинг ўзи қанчадан-қанча эди йўлда. Бир бекатда уларга бировлар ёрдамлашса, иккинчи бекатда юкларини ўзлари кўтаришга тўғри келарди.

— Бунга сиз айбдорсиз,—деди Оскар, Владимир Ильичга,—Ахир, мен сиздан буларни сўрамаган эдим-ку, фақат орзу қилардим, холос, орзу қилардим, аммо сўрамаган эдим...

Қишлоқда чилангар дастгоҳида қилинадиган иш йўқ эди. Аммо маҳаллий бойлар заргарга жуда муҳтож эдилар. Бир пайт Оскар бу ҳақда нима ҳам бўлиб Владимир Ильичга айтиб қолганди. Айтишга айтганди-ю, лекин кейин ўзи ҳам унутиб юборганди. Аммо Владимир Ильич эса, мана, ҳамон эслаб юраркан.

— Владимир Ильич сизнинг «дардингиз» ҳақида шундай хат ёзгандики, биз ҳатто бу ерга бутун бир дастгоҳи судраб келишга ҳам тайёр эдик,—деди Елизавета Васильевна кулиб. Аммо Владимир Ильич уларга, бас қилинглар, дегандек, кўзларини бир «олайтириб» қараб қўйди ва бармоғини лабига тутиб, «жиминглар» дегандек ишора қилди.

Эрталаб Оскар ўз хонасини худди байрамларга ясатгандек яхшилаб супуриб-сидириб, йиғиштиришга тушди: полларни ювди, столини қиртишлаб тозалади, сўнг устига бир парча тоза бўздан ёзди-да, унинг устига хазинасини ёйиб қўйди.

Оскар ишни нимадан бошлашни яхши биларди.

У чўнтагидан беш тийинлик пул чиқарди. Пулда икки бошли бургут расми тасвир этилганди. Оскар дарҳол чор полициячиларининг бош кийимига қадаладиган жез нишонки—Русия давлатининг гербини хотирлади. Расмдаги бургутнинг ўнг чангалида подшо ҳукуматининг қимматбаҳо тошлар қадалган белгиси—жезл бўлиб, бу Оскарга собиқ хўжайин Тайфер заргарнинг пўлат таёқчасини эслатарди.

Оскар беш тийинликни сандон устига қўйиб, дарҳол газаб билан болғачага тутинди. Пул секин-аста ёпила бошлади. Оскар уни шаклсиз бир ҳолатга келтиргач, кавшар чироғини ёқиб, уни оловга тутди. Жез тезда эриб, кавшар чироқ чўқурчасида симобдай балқиб кўрина бошлади. Кейин Оскар уни қолипга қуйди. Қолипдан олиб, челакдаги сувга ботирди ва... дунёнинг бор ташвишларини унутгандек бўлди... Сўнгра яна ўнг бу ёққа олиб, эговлалди, силлиқлашга; узук қолиб келтиришга тушиб кетди Узук эса—борган сари қизариб, тилла рангига кириб, гўзаллашиб борарди. Туш пайтида уй бекаси келиб, Оскарни овқатга таклиф этди. Оскар эса, вақт йўқ, дегандек, қўлини силтаб қўя қолди. Чунки энди у ишлик одам эди. Дам-бадам қўлларига разм солиб қўярди. Назарида томирлари ўйнаб, оёқ-қўлларига жон киргандек туюлар ва энди улар ҳеч қанча ортиқча эмасдек кўринарди. У, такрор-такрор бармоқларини кериб, муштумини сиқиб, қувноқ ҳолда яна ишга киришиб кетарди!..

Оскар аллақандай бир фин қўшиғини хиргойи қилиб ишлашда давом этарди. Кечга яқин у иккинчи узукни ҳам тайёрлаб бўлди. Кейин қўлига бир парча қоғоз олди-да, унга ниманингдир маъносидор тасвирини туширib, сўнг қоғозни гугурт қутичасига ёпиштирди

Эрталаб барвақтроқ турib, шабнамларни оралаб, Шуш дарёси бўйига борди. Май ойининг бу кунлари субқидамлар, бу ерларда—Шуш дарёси бўйида турли-туман чечаклар, марварид гуллар, қоқи гуллар, ойқитовон гулларн бодраб очилиб, сочилиб ётарди. Оскар чечаклардан териб, уларни ип билан бир тутам қилиб боглади. Кейин чўнтагидан гугурт қутичасини чиқариб, ундан узукларини олиб кўрди. Узукмисан узуклар эди улар. Гўё қуёш уларга бир томчидек бўлиб ниниб, ёғду сочиб кўринарди. Ҳатто Оскарнинг ўзи ҳам бундай ажойиб узукларни умрида ҳеч қачон кўрмаган эди.

Оскар битта-битта босиб, Зиряновларнинг уйи томон йўл олди. Кейин, ўзининг юришига ўзининг сабри чидамаётгандек, бошидан картузини юлиб олиб, чопиб кетди. У ўзининг бу ноёб совғасини Владимир Ильич Ленин билан Надежда Константиновнага теэрок етказиш учун шошилар эди.

Бепоён Сибирь далаларининг шабадаси Оскарнинг ўзи ўйлаб топган қўшиғини: унинг зумрад қўллар, муаттар ўрмонлар ва инсон учун энг катта бахт ҳисобланмиш дўстлик ҳақидаги, дўстлик туйғулари ҳақидаги қўшиғини узоқ-узоқларга элтиб учарди.

* * *

Бу ноёб узуклар ҳамон Владимир Ильич Ленин Марказий музейида сақланади. Тўғри, улар вақтлар ўтиши билан бирмунча нурсизланиб қолганлар, лекин шунга қарамай, ҳамон қадимгисидек ажиб ва иссиқ кўринади ишин кўзига. Зотан, бу узуклар — юрак амри билан, меҳнатни қўмсаб қолган қўллар билан қилинган узуклар эмасми, ахир! Бу узуклар—инсонга инсон муҳаббатининг буюк совғасидир. Бу узуклар — дўстлик узукларидир.

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ таржимаси.

ИККИ КОММУНИСТ

Мен бугун сафимиздаги икки коммунистнинг меҳнат фаолияти ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман. Мамлакатимиздаги миллион-миллион партия аъзолари сингари улар ҳам коммунистик жамият қурилишининг фаол иштирокчиларидир. Улар Владимир Ильич Ленин тарбиялаб ва етказган улуғ партиямизнинг муносиб ўғлонлари. Абдулхай Маракаев «пўлат от» чавандозларидан бири. Тошкент тепловоз депосининг машинисти, беш йиллик юкларни манзилларга ўз вақтида етказиб берайтган азамат йигит.

Ўртоқ Маракаев ўтган йили катта муваффақиятларни қўлга киритди. Меҳнати билан ҳамкасбларига ўрнак бўлди. Абдулхай Иброҳимович юбилей йилида 20 тонна дизель ёнилғисини тежабди. Энг муҳими шуки, тажрибали машинист шогирдлар тайёрлашга ҳам катта эътибор билан қарамоқда. Кейинги 8-10 ой ичида Маракаев кўл остида тарбия топган икки машинист ёрдамчиси мустақил ишлай бошлади.

Абдулхай техника «тилини» обдон билиб олган мутахассис. Тепловозининг миридан сиригача ўрганиб олган. У химия лабораториясидан ишидан ҳам, ва вақт кўз-қулоқ бўлиб туради. Шу боисдан бўлса керакки, атоқли машинист локомотивининг ёғ ва сув системаси ҳамиша ишга шай, сира машинадан ишкал чиқмайди. «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар»,—деб шуни айтадилар-да.

Ғулом Аҳмедов эса деҳқонларнинг оғирини енгил қилиб, пахта терим машиналарини қўллаб тайёрлаётган «Ташсельмаш» заводининг пешқадам ишчиларидан бири. Мана беш йилдирки, Ғуломжон завод қучоғида баракали ишламоқда. Сирасини айтсам, «Ташсельмаш»дек катта корхонанинг қуюв цехида ишлаш осон эмас. Қуювчилик оғир, масъулиятли касб, бунинг устига одам бардошли бўлиши керак.

Ўртоқ Аҳмедов тиниб-тинчишни билмайдиган, ҳамма вақт бирон бир янгилик қидирадиган, қуйиб-пишиб ишлайдиган одам. Устоз кўрган шогирд, ҳозир ўзи ҳам Йўлдошев, Цой, Шокиров сингари фаросатли, ишнинг кўзини биладиган шогирдларнинг устози ҳисобланади. Кейинги икки йил ичида Ғуломжон Аҳмедов планда кўзда тутилганидан 185 тонна кўп қуйилма тайёрлади. Ҳамза район Советининг депутати сифатида ҳам ўз сайловчиларининг ишончини оқламоқда.

Абдулхай Маракаев ва Ғуломжон Аҳмедов ўртоқлар улуг доҳиймиз Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини меҳнат зафарлари билан нишонлашга ахд қилишган. Шу боисдан ҳам улар ўз зиммаларига оширилган шахсий мажбуриятлар олиб ишлашмоқда.

Ўртоқ Маракаевнинг шахсий мажбуриятида шогирдлар тайёрлаш, тепловозининг қаровини ўрнига қўйиш, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича катта мажбуриятлар белгиланган. Маракаев бугунги кунда оғир юкли поездлар бошқариб, ёнилғини тежаётган экан, коллектив ўртасида обрў-эътибори ошиб бораётган экан, бу коммунистнинг сўзи билан иши бирлигидан далолат беради.

Ғуломжон Аҳмедов ҳам ўз зиммасига оширилган мажбуриятлар олди. У беш йиллик планни 1969 йилнинг 7 ноябригача бажаради. Янги рационализаторлик таклифлари билан чиқади. Маҳсулот сифатини оширади; хуллас, унинг мажбуриятини ўқисангиз дилингиз қувонади, ишчининг ҳимматига баракалло дейсиз.

Ҳозир районимиз саноат корхоналарида Маракаев ва Аҳмедов ташаббусига минг-минглаб коммунистлар ва партиясизлар қўшилмоқда. Улар фидокорона меҳнатлари билан мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини оширишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Б. ОБИДОВ,
Тошкент шаҳар Ҳамза район партия комитети саноат ва транспорт бўлимининг мудири.

Очил шоир Эшмурод ўғли

МИННАТДОРМИЗ ЛЕНИНДАН

Комбайнлар ўрар бугдой,
Автобуслар юрар тинмай.
Тракторлар ишлар филдай,
Шундай замон бўлганмиди!
Деҳқон иши енгилмиди!
Миннатдормиз Лениндан!

Техника деҳқон қаноти,
Суянган тоғу қуввати,
Халқимизнинг шон-шуҳрати.
Шундай кунлар бўлганмиди!
Дилга қувонч тўлганмиди!
Миннатдормиз Лениндан!

ГЭСлардан мўл ток келади,
Дийёрим нурга тўлади,
Турмушим ўсиб боради,
Шундай ҳаёт бўлганмиди!
Инсон қадри ортганмиди!
Миннатдормиз Лениндан!

Ўтган замон шундоқ эди:
Қадоқ қўллар омоч эди,
Бойлар иши еб қоч эди,
Улуғ кунлар бирдан келди,
Унга сабаб Ленин бўлди,
Миннатдормиз Лениндан!

АБАДИЙ БАРҲАЁТ

Е. ТУРАҚУЛОВ,
Ленин мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси

В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишган сари, инсонга хос энг зарур, энг улуғ фазилатларнинг бир шахсда бу қадар мужассамланганига киши ҳайрон қоладн. Ленин ўз ҳаётининг охиргача инсоният олдидаги энг муҳим вазифани ҳал қилишга, эксплуатацияга асосланган ноҳақ тузумни тугатиб, ўнинг ўрнига янги социалистик жамиятни ўрнатишга сарф қилган ва Россиядай катта мамлакатда шу мақсадига эришган экан, у социалистик революция, пролетариат диктатураси, Совет ҳокимияти тузилишининг барча назарий масалаларини ҳар томонлама ишлаб чиқди ва амалга оширди.

Буюк Ленин революциядан кейин дунёдаги биринчи ишчи деҳқон ҳукуматига бош бўлиб, кундалик вазифаларни ҳали тажрибада синаб кўрилмаган янги йўллар, янги принциплар асосида ҳал қилар эв партия, совет идораларига хос иш методларини ўрнатар экан, уларни келгуси авлод учун ўрнак бўладиган даражада, назарий ва амалий жиҳатдан бенуқсон бажарилишини таъминлар эди. Шу билан бирга, Ленин янги тузумнинг келгуси режаларини яқиқ кўриб, бир неча ўн йиллар учун практик қадамлар йўлини чизиб кетди. Унинг қисқа ва ниҳоят чуқур ифодалари, масалан «Коммунизм — бу совет давлати плюс бутун мамлакатни электрлаштириш демакдир» сингари қанотли башоратлари ҳақиқатан ҳам узоқ йилларга қаратилган ҳаракат программасидир.

Ленин пролетар революциясининг улуғ назариётчиси ва оташин амалиётчиси бўлганидан, у фақат ижтимоий фанларнигина эмас, балки табиатшуносликнинг ривожланиш йўналишларини ҳам белгилаб берди, айниқса физикадаги революцияни чуқур ўрганиб, фанда бўлаётган муҳим ўзгаришларни қувватлаб чиқди. Пролетариатнинг савияснни кўтариш, революцион ғояларни мустаҳкамлашда фан ютуқларидан қандай фойдаланиш лозимлигини кўрсатиб берди.

Мана шундай улуғ, муҳим ишлар билан доимо банд бўлган жаҳон пролетариатининг доҳийси В. И. Ленин инсонга хос барча гўзал фазилатларнинг ҳам эгаси эди. Кишиларнинг катта-кичик эҳтиёжларига ҳар доим эътибор билан қараш, ташвишларига шерик, ҳамдард бўлиш Ленининг ажралмас хусусиятларидан эди. Ленин ҳаётининг ҳар бир қадами, қирраси миллионлар учун ўрнакдир, яшаш, ижоднёт инсонлик мактабидир.

В. И. ЛЕНИН ҲАҚИДА ХОТИРАЛАРДАН

Зеҳни жуда ўткир, билим хазинаси бой, ажойиб диалект бўлган Ленин ўз нутқларининг эркин ва зўр мантиқийлиги билан воқеаларни ҳар тарафлама қамраб олиш ва бу воқеаларнинг ривожини олдиндан кўра билиш соҳасидаги ажойиб қобилияти билан кишиларни ҳайратда қолдирарди.

А. А. АНДРЕЕВ

Биз капитализм энди ривож топиб келаётган Шарқ мамлакатларида жуда зўр ҳаракат борлигини кўриб турибмиз. Шарқнинг революцион Шарққа айлана олишини фақат доҳий Ильичгина олдиндан кўра олди. Бу унинг буюк хизматидир.

С. М. КИРОВ

Ленин ўз ўртоқларига гамхўрлик ва эътибор билан қараган ҳолда, айни бир вақтда ўзига нисбатан жуда қаттиққўл ва талабчан эди. Ленининг шахсий ўриғаги, унинг талабчанлиги, ниҳоят катта таъсири чет элдаги большевистик кадрларни эмиграциянинг бузғунчиляк таъсиридан сақлар эди.

С. И. ГОПНЕР

БУЮК БАШОРАТЧИ

Комил ЁРМАТОВ,
СССР халқ артисти, «Ўзбекфильм» студиясининг режиссёри.

Инсон ўз табиати билан гўзаллик ошиғи, санъат муҳлиси. Зеро, гўзалликни ҳам, санъатни ҳам инсон ўз ақл-заковати ва қўли билан яратади, ўзи унга мафтун бўлади. Ана шу гўзаллик оламининг ажойиб мўъжизаларидан бири кино санъатидир. Кино-санъатларнинг энг оммавий, энг таъсирчан, энг қудратли бир тури. Шунинг учун ҳам буюк доҳиймиз Владимир Ильич Ленин кино санъатининг салмоғи ва аҳамиятини, келажак истиқболини кўра билиб, башорат қилиб ўз вақтида бундай деган эди: «Барча санъатлар ичида биз учун энг муҳими кинодир».

Дарҳақиқат, кинонинг таъсир кучи, салмоғи, имкониятлари катта, зўр ҳамда беқиёсдир. Ҳозирги кунда кино кенг халқ орасига сингиб кетган. У одамларнинг энг зарурий-ҳаётий эҳтиёжларидан бирига айланган. Кино кишиларни коммунистик юксак идеаллар руҳида тарбиялайдиган, завк-шавқ бахш этадиган, ҳаётда ҳар кимнинг ўз ўрнини топиб олишига ёрдам берадиган, тўғрилик, одиллик, ҳаққонийлик, принципиаллик каби юксак инсоний фазилатларни ўргатадиган, ўрнак бўладиган чинакам мўъжизакор санъат туридир.

Буюк Ленининг башорат қилиб айтган доно фикри ҳозирги кунимизда нақадар тўғрилигини узоққа бормай биргина «Ўзбекфильм» студиямиз мисолида кўрсак бўлади. Яқин-яқинларда студиямиз жуда кичкина, тор, ҳар жиҳатдан унча талабга жавоб беролмайдиган, кадрлар, техника, шунга ўхшаш зарур имкониятларга етарли эга бўлмаган студия эди. Ҳозир эса ҳаёт тақозоси билан халқимиз талаби жиҳатидан жуда илғор, энг сўнгги техника билан жиҳозланган, талантли кадрлар етишиб чиққан, талантли картиналар ишлаб чиқараётган қудратли студияга эгамиз. Илгари йилига зўрга битта фильм чиқарилса, ҳозир 5-6 бадиий фильм бемалол сифатли қилиб экранларга ҳавола этиляпти. Энг навқирон студиялардан бири бўлган «Ўзбекфильм» студиямиз ўзининг жуда қисқа тарихий биографиясига юзинчи фильм номини зарҳал билан қайд этганини мамнунлик билан айтиб ўтсак бўлади.

Мана шу ўсиш, юксалиш, муваффақиятларни қўлга киритишда бизга партия ва ҳукуматимиз, буюк Ленин даҳоси мураббийлик қилди, йўл кўрсатди, қўллаб-қувватлади. Буюк башоратчи доҳий Владимир Ильич Ленининг донолик билан айтган фикри йўлимизга нур сочди, ижодимизга илҳом бахш этди.

Суратларда: 1. «Мосфильм» киностудияси ва Польшанинг «Студио» ижодий бирлашмаси ҳамкорликда суратга олган «Ленин Польшада» деган фильмдан кадр. 2. «Ленин йўлланмаси билан» кинофильмидан кадр.

САНОАТИМИЗНИНГ ШАХДАМ ОДИМЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Канап толаси — минг тонна	1,9	100,8
Ип газламалар — миллион квадрат метр	47,3	105
Шойи газламалар — миллион квадрат метр	10,9	105
Пайпоқлар — миллион жуфт	7,5	97
Ички трикотаж — миллион дона	4,1	92
Устки трикотаж — минг дона	2168	135
Чарм пойафзал — минг жуфт	4246	110
Балиқ овлаш — минг центнер	11,2	67
Гўшт — 1 категория субпродуктлар ҳам шу ҳисобда (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна	20,8	114
Мол ёғи*) — тонна	1339	82
Қаймоғи олинмаган маҳсулот сутга айлантириб ҳисобланганда (сут, творог, кефир, қатиқ, қаймоқ, сметана ва шу сингарилар) — минг тонна	47,4	111
Ўсимлик ёғи*) — минг тонна	87,5	99,5
Кондитерлик маҳсулотлари — минг тонна	18,8	115
Консервалар — миллион шартли банка	28,7	114

*) Колхоз хўжаликлари ва аҳоли хонадонида етиштирилгани бу ҳисобга кирмайди.

1967 йилнинг биринчи кварталидагига нисбаттан 1968 йил 1 кварталида электр энергияси ҳосил қилиш 320 миллион киловатт-соат, газ қазиб чиқариш — 835 миллион кубметр, қора металлар прокати 3,2 минг тонна, минерал ўғитлар — 93,5 минг тонна, тракторлар — 426 дона, трактор прицеплари — 339 дона, йиғириш машиналари — 28 дона, цемент — 61,5 минг тонна, йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар — 81,5 минг кубметр, иморатбоп ғишт — 33,7 миллион дона, деворбоп панеллар — 49,3 минг квадрат метр, пахта толаси — 10,3 минг тонна кўпайди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам ортди: газ плиталари ишлаб чиқариш 4,8 минг дона, мебель ишлаб чиқариш — 438 минг сўмлик, шойи газламалар ишлаб чиқариш — 535 минг квадрат метр, устки трикотаж ишлаб чиқариш — 557 минг дона, чарм пойафзал ишлаб чиқариш — 384 минг жуфт, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш — 2,5 минг тонна, консервалар ишлаб чиқариш — 3,6 миллион шартли банка кўпайди ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам ортди.

1968 йил I кварталига белгиланган меҳнат унумдорлиги 1967 йил 1 кварталига белгиланганидан 2,7 процент кўпайди. Саноатнинг олган фойдаси 12 процентдан зиёд кўпайди.

Республика саноати ишида эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам бўлди. Бир қанча корхоналар маҳсулот реализацияси, натурал ифодада маҳсулотлар чиқариш ва жамғармалар юзасидан қўйилган вазифаларни бажара олмади. Айрим корхоналар меҳнат унумдорлигини ошириш, товар маҳсулот таннархини камайтириш, техника-иқтисодий кўрсаткичлар, шунингдек маҳсулотнинг сифати, янги техникани жорий қилиш юзасидан қўйилган топшириқларни уддалай олмади. Айрим ҳолларда мавжуд қувватлардан тўла фойдаланилмади, янгитдан ишга туширилган қувватлар эса суст кашлик билан ўзлаштириб борилди.

Тиниқ нефть маҳсулотлари, дизеллар, куч трансформаторлари, кабель маҳсулотининг айрим турлари, ровница машиналари, холодильниклар, йиғма темир бетон конструкциялар ва деталлар, мебеллар ва бошқа баъзи маҳсулот турлари ишлаб чиқариш плайини ортда бажаролмай қолди.

* * *

Биринчи кварталнинг охирига қадар бутун саноат маҳсулотининг сал кам 30 процентини ишлаб чиқарувчи 187 саноат корхонаси планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янгича системасига ўтказилди. Рангли металлургия, машинасозлик, ип газлама, шойи газлама, трикотаж, чарм пойафзал ва озиқ-овқат саноат тармоқларининг кўпгина корхоналари янгича системада ишланди.

Янгича шароитларда ишлаётган корхоналар маҳсулотни реализация қилиш ва фойда олиш ҳажми жиҳатидан 1 квартал планини ошиғи билан адо этдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЛОҲУР. «Аллома Иқбол» кўчасида

Ш. Турабов фотоси.

БУГУН СОВЕТ—ПОЛЬША ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАНГАНИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ

ДЎСТЛИГИМИЗ САМАРАСИ

Бундан 23 йил мукаддам Польша тарихида жуда катта воқеа юз берди. Гитлерчилар Германияси қўшинлари Совет Армиясининг зарбдор юришига бардош бера олмай Европанинг ғарбига қараб чекина бошлади. 1945 йилнинг бошларида Совет Армияси қисмлари билан биргаликда ҳаракат қилган Польша қўшинлари мамлакатни гитлерчи босқинчилардан тез фурсатдаёқ тозаладилар.

23 йил — жуда қисқа муддат. Бироқ, бу йиллар мобайнида Польшада илгари бутун бир юз йиллар мобайнида эришилганидан ҳам кўпроқ муваффақиятлар қўлга киритилди. Бу даор Польша халқи тарихида янги даор эди. Агар кейинги 23 йилни буржуа Польшаси мавжуд бўлган 1918-1939 йиллар билан солиштирганда Польша Халқ Республикасининг муваффақиятлари яна ҳам яққолроқ кўзга ташланади.

Польша буржуа ҳокимияти ҳукмрон бўлган даврда иқтисодий жиҳатдан Европада энг охирги ўринлардан бирида турарди. Халқ Польшасида социализм сари қадам қўйилганда кейин иқтисодий соҳадаги бу колоқликка тездаёқ барҳам берила бошланди. Дастлабки йилларда анча қийинчиликлар ҳам юз берди, албатта. Поляк халқи янги давлат пойдеворини, янги, социалистик тузум пойдеворини малакали кадрлар етишмаган, завод ва фабрикалар, йирик шаҳар ва қишлоқлар гитлерчилар томонидан вайрон қилиб ташланган бир шароитда қура бошлади. Бутун халқ хўжалигини тараққий эттириш учун асосий омиллардан бири саноатни ривожлантирмоқ лозим эди. Социалистик тузум бу вазифани қисқа муддат ичида бажариш учун барча шароитларни яратиб берди.

Халқ Польшаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қатор тадбирларни амалга оширди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун мустаҳкам, барқарор бозорнинг вужудга келтирилиши, социалистик давлатнинг қишлоқ хўжалигига маблағ, машина ва ўғитлар етказиб бериш соҳасида кўрсатган ёрдами Польша қишлоғини тараққий эттириш учун қулай шароитлар яратиб берди. 1948 йилдаёқ мамлакатда қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти даражаси (аҳоли жон бошига ҳисоблаганда) уруш даврининг даражага етди. Халқ хўжалигини социалистик қайта қуриш натижасида қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг турмуш маданияти анча юксалтирилди.

Польшада уруш даврининг юз берган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар фан тараққиётига ҳам жуда катта таъсир кўрсатди. Уруш йилларида кўплаб поляк олимлари гитлерчилар томонидан йўқ қилиб юборилган эди. Буларнинг ҳаммаси фан тараққиётига жуда катта салбий таъсир кўрсатди; Фаннинг айрим тармоқларида мутахассислар тенг ярмига камайиб кетган эди. Буни шу нарса билан изоҳлаш мумкинки, 1939 йилда мавжуд бўлган 603 илмий лабораториядан бирўўри учтасигина тўлалигича сақланиб қолган эди.

Фанни ривожлантириш учун ана шу тўсиқларни енгиб ўтиш зарур эди. Социалистик тузум бу қийинчиликни ҳам тез орада бартараф қилиш имконини берди. Халқ ҳокимияти йилларида Польшада фан мисли кўрилмаган даражада тараққий этди, илмий тадқиқотларнинг янги тармоқлари, шу жумладан совет фани билан мустаҳкам алоқада ривожланган назарий ядро физикаси вужудга келди. Польша олимлари элементар частицалар, космик нурларни ўрганиш соҳасида, қаттиқ жисмлар физикаси, ярим ўтказгичларни ўрганиш каби соҳаларда жиддий муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Польша халқи бугунгача эришган барча муваффақиятларини Польша Бирлашган Ишчи партиясининг фаолияти самараси деб ҳисоблайди. Польша Бирлашган Ишчи партияси Польша ва халқаро революцион ҳаракатининг шонли традицияларини давом эттира бориб, марксча-ленинча таълимотга амал қилган ҳолда мамлакатда социализм қурилишига ишончли равишда раҳбарлик қилмоқда.

Халқ Польшасининг социалистик тараққиёти, мамлакатда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар Польшанинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори билан чамбарчас боғлиқдир. Польша ҳукумати ташқи сиёсат соҳасида социализм ва тинчликнинг актив қурашчиси сифатида майдонга чиқмоқда. Польша ишчилар синфи ва партия социалистик қурилишнинг мустаҳкам йўлига чиқиб олди. Польша Халқ Республикаси СССР билан қардошларча иттифоқ, барча социалистик мамлакатлар билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, социализм, миллий мустақиллик ва тараққиёт учун курашаётган барча кучлар билан мустаҳкам алоқа ва бирдамлик келажакда хавфсизлик ва тараққиётни таъминланди деб ҳисоблайди.

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин Совет Иттифоқи Польша саноатини темир рудаси, пахта, апатит, нефть маҳсулотлари каби муҳим хом ашёлар билан таъминлай бошлади. Совет — Польша дўстлиги ва ҳамкорлиги В. И. Ленин номли металлургия комбинати, «Варшава» сифатли пўлат заводи, Фаст ва Замбровдаги тўқимачилик фабрикалари, Вроцлавдаги электр генераторлари заводи қурилишида янада яққол намоён бўлди. Халқ ҳокимияти йилларида Польша Совет Иттифоқидан савдо шартномаларига биноан 90 дан кўпроқ йирик саноат корхоналари учун ускуналар комплекти, 200 фабрика ва завод учун гурли машина ва ускуналар олди.

Совет Иттифоқи ва Польша ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, иқтисодий ёрдам соҳасида 1945 йил 21 апрель куни Москвада имзоланган дўстлик, ўзаро ёрдам ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома катта роль ўйнади. Ҳар иккала мамлакатнинг умумий ҳаётий манфаатлари ва мақсадларига асосланган бу Шартнома Совет Иттифоқи ва Польша халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихида катта бурилиш ясади. Бу тарихий ҳужжат халқларимизнинг дўстлиги ва ҳамкорлигини янада тараққий эттириш даврини бошлаб берди.

Дўстлик, ўзаро ёрдам ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисидаги ана шу шартномага биноан Совет Иттифоқи Польша Халқ Республикасига хом ашё, машина ва ускуналар етказиб бериш билан бир қаторда Польшадан кўмир, металлургия кокси, рух, сода, турли химикатлар, доридармонлар сотиб олмоқда. Польша билан Совет Иттифоқи ўртасидаги бу ўзаро дўстона ҳамкорлик 1965 йил 8 апрелда 20 йил муддатга тузилган дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги янги Шартнома билан янада мустаҳкамланди. Мамлакатларимиз орасидаги савдо-сотиқ, маданий ва техникавий ҳамкорлик ва бошқа дўстона алоқалар тобора кенгайиб бораётганлиги бунинг яққол далилидир.

Ҳозирги пайтда Совет Иттифоқи Польша индустрияси учун зарур хом ашё ва бошқа товарларнинг 35 процентини етказиб бермоқда. Уз навбатида Совет Иттифоқи учун Гданьск, Гдинь, Щецина шаҳарларидаги кемасозлик корхоналарида 375 та кема қуриб берилди. Мазкур беш йиллик (1965—1970 йиллар) давомида Совет Иттифоқининг буюртмаси билан Польша кемасозлари яна 175 та кема қуриб беришмоқчи. Польша ташқи савдоси оборотининг деярли учдан бир қисми Совет Иттифоқининг улушига тўғри келади. СССРнинг ташқи савдо оборотида эса Польша улуши 10 процентни ташкил қилади.

Ўзларининг интернационал бурчига содиқ бўлган Советлар мамлакати ва Польша меҳнаткашлари ҳар томонлама сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантириш йўлидан бормоқдалар, доимо бирбирининг мададини ҳис қилиб турибдилар. Бугун, СССР ва Польша Халқ Республикаси ўртасидаги дўстлик, ўзаро ёрдам ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисида Шартнома имзоланганига 23 йил тўлган кунда Совет Узбекистони меҳнаткашлари ҳам Польша халқига қизғин табриклар йўллайдилар ва мамлакат экономикаси ҳамда маданиятини тараққий эттиришга қаратилган планларни бажариш учун курашда муваффақиятлар тилайдилар.

Ҳ. ТЎХТАСИНОВ,
Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Узбекистон жамиятининг референти.

СЬЕРРА-ЛЕОНЕДАГИ ҲАРБИЙ ТЎНТАРИШГА ДОИР

КОНАКРИ. ТАСС мухбири Феликс КОНОПИХИН хабар берди: Сьерра-Леоне армияси ва полициясининг кичик офицерлари «Миллат манфаатларини қўлаб», деди старшин сержант Рожерс Фритаун радио орқали гапириб, ҳарбий тўнтариш қилдилар ва ҳокимлятни ўз қўлларига олдилар. Рожерс бу гапларни тўнтариш раҳбарлари номидан сўзга чиқиб айтди. Мамлакатдаги ҳукмрон миллий ўзгариш кенгашининг раҳбарлари ҳамда армия билан полициянинг старший офицерлари қамоққа олинидидар, деди Рожерс. Шу билан бирга Рожерс мамлакатнинг янги раҳбар органи — порахўрликка қарши революцион ҳаракат ташкилоти тузилганлигини эълон қилди. Рожерс мамлакатдаги янги ҳарбий тўнтаришнинг сабабларини тушунтириб айтдики, илгариги «Сьерра-Леоне ҳарбий ҳукумати ўзининг олдинги граждан ҳукуматидан ҳам кўра кўпроқ порахўр бўлиб қолди. У мамлакатни иқтисодий ҳалокат ёқасига келтириб қўйди». «Бундай шароитда, деб давом қилди у, армия ва полициянинг кичик офицерлари ва сержантлари тартибни тиклашнияти бош кўтариб чиқишга мажбур бўлдилар».

Рожерс оғоҳлантириб айтдики, Сьерра-Леонеининг янги ҳукумати мамлакатнинг ишларига четдан ҳеч кимнинг аралашувига йўл қўймайди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● Атом энергияси комиссияси хабар қилиб айтдики, 18 апрелда Невада штатидаги полигонда навбатдаги ер ости ядро синови ўтказилди. Атом энергияси комиссияси бу йил ер остида шу билан ўн марта ядро портлатиши ўтказилганлигини эълон қилди.

● 18 апрелда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши Маврикийни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилиб олишни Бош Ассамблеяга тавсия этган резолюцияни бир овоздан қабул қилди.

Резолюция лойиҳасини Ҳиндистон, Канада, Покистон, Сенегал, Буюк Британия ва Эфиопия делегациялари биргаликда киритган эдилар.

● Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикасининг аҳоли зич яшайдиган районларига ҳужум қилишни давом эттирмоқда. 15, 16, 17 ва 18 апрель кунлари Нгеан, Хатин ва Шимолий Вьетнамнинг бошқа бир қанча вилоятларидаги аҳоли яшайдиган кўпгина пунктлар бомбардимон қилинди.

Ана шу тўрт кун ичида Вьетнам Демократик Республикасининг зенитчилари АҚШнинг олтита самолётини уриб туширдилар. Америка учувчиларидан бир нечтасини ўлдирдилар ёки асир қилиб олдилар.

(ТАСС).

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ДЎСТЛИК БЕЛГИСИ

Паррандабоқар дўстим битта кўркани сўйиб, калласини ариққа ташлаганда, фермадаги кўркалар ариқ олдига келиб бош эгиб мотам тутганини, айтиб берган эди.

Мен сизларга айтиб бермоқчи бўлган воқеа бундай бўлган: ўғлим қайвонларни яхши кўради. Рекс деган ити, эчкиси бор. Бу иккала жонивор шу даражада иноқки, уларнинг дўстлигига ҳайрон қоласиз. Бир вақт ҳовлига қарасам Рекс занжирни узиб эчкининг олдига борибди. Эчки ўғлим эккан уч тўп арчанинг биттасини кемириб, шох-бутоғини ҳам қолдирмабди. Арчани ишташ билан ер бўлган эчки Рексга тикилиб қаради. Рекс, ҳа тагин ейсанми, дегандай, боқиб қараб кетди. Тўғри арчанинг олдига бориб олдинги оёқдари билан иллизини кавлай бошлади. Таги бўшагандан кейин тиши билан арчани суғуриб олди-да, эчкининг олдига олиб келди. Эчки яна ишташ билан арчани ея бошлади. Хайриятки мактаблар ўқлим келиб қолди, бўлмаса Рекс ҳамма арчаларни ошнасига мехрибонлик қилиб едириб қўяр эди.

М. ҚУРБОНОВ.

МЕҲМОН ЎРДАК

Фарғона область, Киров рай. Ердаги қаерига ўқ теккан экан деб ўқувчилар синчиклаб қараётганларида унинг оёғидаги ҳалқага кўзлари тушди. Ҳалқага «Хинд тилида Г-3705. Бомбайдаги миллий тарихий ташкилотга маълум қилинг» деган ёзув битилган эди. Бу қуш Ҳиндистоннинг Бомбай шаҳридан учиб келганлиги маълум бўлди. Энди мактаб ўқувчилари ҳалқага ёзилган сўзга амал қилиб, Бомбай шаҳрига хат орқали бу ҳақда хабар қилдилар.

С. УМАРОВ.

Шу кунларда Тошкентда машҳур эстрада қўшиқчиси Эдита Пьеха бошчилигидаги Ленинград «Дўстлик» ансамблининг концертлари зўр муваффақият билан ўтмоқда. Рассом Н. Меламед пойтахтимиз меҳмонлари концертида бўлиб, расилар чизиб келди. Бу расиларда меҳмон санъат норларидан Эдита ПЬЕХА, Борис АЧЕШИН ва Тойво СООСТРЕМлар тасвирланган.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45 — «Шогирдлар устозлар ҳақида». 8. 25 — Қўшиқлар. 9.30 — Енгил халқ куйлари. 10.30 — Шарқ куйлари. 11.15 — «Табассум» (радиожурнал). 12.15 — «Эрталабки салом» (Москва). 13.30 Концерт (хатлар асосида). 14.00 «Пахтакор» (радиожурнал). 15.00 — Саволларга жавоблар. 15.10 — Концерт. 17.10 — Экран янгиликлари. 18.00 — Музикали салом. 18.40 — И. С. Бах. «Итальянча концерт» (рус.). 19.20 — Навоий газаллари билан айтилган қўшиқлар. 20.00 «Ешлик» радиостанцияси. 20.30 — Енгил куйлар. 21.00 — «Динамо» (Минск) — «Пахтакор» командалари ўртасида футбол (Минск шаҳридан репортаж). 21.45 — Концерт. 22.10 — «Табассум» (такрорий эшитириш). 23.10 — Концерт.

22 апрелда

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 — Тонгги концерт. 8.25 — Ленин ҳақида қўшиқлар. 9.15 — «В. И. Ленин — меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш ҳақида» (суҳбат). 9.30 — Экран куйлари. 9.50 — «Ленинизмнинг ғолибона байроғи» (тожик тилида суҳбат). 10.10 — «Ильич васиятлари асосида» (кантата). 10.40 — Концерт. 11.15 — «Юность Узбекистана» (радиостанцияси). 11.45 — Куйлар. 12.15 — Украина радиосининг эшиттириши. 13.00 — Ўзбекистон пионер дружиналарининг ВЛКСМ 50 йиллигига бағишланган тантанали кўриги-линейкаси. 16.10 — «Ленин ҳамиша биз билан». 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 17.00 — Ленин ҳақида шеър ва қўшиқлар (тат.). 17.20 — Қозоқ куйлари. 18.00 — «Октябрь» радиостанцияси. 19.55 — В. И. Ленин туғилган кунининг 98 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ва концерт Кремль Съездлар Саройидан олиб эшиттирилади. 23.50 — Куйлар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 11.00 — **Биринчи саёҳат** (болалар учун кинофильм). 11.20 — **Пионер намалаги.** 11.40 — **Бадиий фильм.**

Ўзбек тилида: 13.30 — **Доктор Айболит** (болалар учун). 15.20 — **Буни ҳар ким билиши керак** (ўзбек ва рус тилларида). 15.45 — **Бадиий ҳаваскорлар концерти** (рус тилида). 17.25 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида. 17.30 — **Биз — Ильич набираларимиз.** 18.20 — **Телеянгиликлар** (рус тилида). 18.30 — **Ғазалхон ёшлигим** («Ешлик» студияси). 19.30 — **Телеянгиликлар.** 19.45 — **Музикали лавҳа.** 20.15 — **Ленин Швейцарияда** (рус тилида бадиий фильм). 21.45 — **Ёркин ҳаёт** (хотин-қизлар учун).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.00 — Ўқув эшиттиришлари программаси. **Олий математика** (студентлар учун ўзбек ва рус тилларида).

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан — **Фрунзе кўрсатади.**

22 апрелда

В. И. ЛЕНИН ХОТИРАСИ КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — **Кўрсатишлар программаси.** 17.05 — **Ёш ленинчилар** (болалар учун, ўзбек тилида).

Рус тилида: 17.25 — **Телеянгиликлар.** 17.35 — **Ильич васияти бўйича** (Совет Армияси жангчилари учун).

Ўзбек тилида: 17.55 — **Кўрсатишлар программаси.** 18.10 — **Кўк дафтар** (бадиий фильм).

19.50 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — Ўқув эшиттиришлари программаси, **Физика.** 18.30 — **Эстетика** (мактаб ўқувчилари учун). 19.00 — **Назарий механика** (студентлар учун). 20.00 — **В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан. Симбирскининг сўнгги баҳори** (телефильм). 20.20 — **Ленин, Ватан, партия ҳақида қўшиқ** (рус тилида). 20.50 — **Ильич орзуси амалда** (телефильм). 21.50 — **Аср бошида** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 21/IV да кундуз **Доктор Айболит,** кечқурун **Зулматдан зиё,** 22/IV да **В. И. Ленин хотирасига бағишланган КОНЦЕРТ.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/IV да кундуз ва кечқурун **Бўрон қуши.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/IV да кундуз **Қалам қошлигим,** кечқурун **Қизбулоқ,** 22/IV да **Равшан ва Зулхумор.**

КИНО

Анна Каренина (кенг форматли, икки серияли фильм) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун),

Оқибат — «ДРУЖБА» (2-залда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ВОСТОК» (кундуз соат 1 ва 3 да),

«Авлиё Январий» операцияси — «МОСКВА», «УЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун)

Эркан ва аёл — «ЧАЙКА», «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Граждан ва ташкилотлар диққатига!

САНЪАТ САРОЙИДА

«АННА КАРЕНИНА»

икки серияли, кенг экранли бадиий фильмига коллектив бўлиб кириш учун заявкалар қабул қилиш давом этмоқда ва байрам олди кунлари учун олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 10 яримдан кеч соат 6 гача ишламоқда.

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

21 апрелда

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Р. Эшмуродов

БЎРОН ҚУШИ

3 пардали драма

Т. Ҳўжаев таржимаси.

Режиссёр Н. Отабоев.

Рассом — Г. Брим.

Спектакль кундуз соат 12 ва кеч 8 да кўрсатилади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

24 апрелда

УЛУҒ АЛИШЕР НАВОИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 525 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН МАҚОМ КЕЧАСИ

Кечада **Академик Юнус РАЖАБИЙ** раҳбарлигидаги **Узбекистон ССР радиоэшиттириш ва телевидение Давлат комитетининг мақомчилари, СССР** халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати **Ҳалима НОСИРОВА;** Узбекистон ССР халқ артистлари — **Коммуна ИСМОИЛОВА, Ғулом АБДУРАҲМОНОВ, Шаҳодат РАҲИМОВА, Муҳаммаджон МИРЗАЕВ, Қундуз МИРКАРИМОВА;** Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар — **Ориф АЛИМАҚСУМОВ, Карим МУМИНОВ, Виолят ОҚИЛОВА; Кувондиқ ИСКАНДАРОВ,** солистлар **Комилжон БАРАТОВ, Фаҳриддин УМАРОВ, Тўхта НАЗАРОВА, Исҳоқ КАТАЕВ, Зоиржон СУЛТОНОВ, Шокиржон ЭРГАШЕВ, Сирожиддин АМИНОВ, Дилбар АБДУЛЛАЕВА** ва **Узбек халқ чолғу ансамбли** қатнашадилар.

Программани Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Муҳаббат МУСАЕВА** билан **Назрулла ЕҚУБОВ** олиб борадилар

Режиссёр Узбекистон ССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати **Раззоқ ҲАМРОЕВ.**

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида кундуз 12 дан сотилади.

КОЛХОЗ, СОВХОЗ ВА МУАССАСАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Чимкент шинаремонт заводи «Беларус» тракторлари, пахта териш машиналари, МАЗ-525, БЕЛАЗ-540 машиналари, огиз юк ташувчи скреперларнинг шиналарини

ОММАВИЙ ТАРТИБДА РЕМОНТ ҚИЛИШГА КИРИШДИ

Ремонт янги протектор қўйиш методи билан бажарилади. Завод ремонт қилинган автомашиналарнинг юришини ГОСТ томонидан белгиланган тартибда гарантиялайди.

Мурожаат учун адрес: Қозоғистон ССР, Чимкент шаҳри,

Узбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрлиги «УЗКОНСЕРВТРЕСТИ»ГА

республика консерва заводларида ишлаш учун бош бухгалтерлар ва бош бухгалтер ўринбосарлари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 101 уй, кадрлар бўлими.

Октябрь район ошхоналар трести дирекцияси ва коллективи 9-ошхона ходими

Анвар СОГДИЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26, Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323, Маъсул секретарь — 334455, Маъсул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216, Халқаро ҳаёт — 337604, Коммунистик тарбия — 331455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалик — 337604, Адабиёт ва санъат — 332036, 337221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347, Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553, Иллюстрация — 334524, Стенографистка — 337343, Корректура — 337162, Эълонлар — 338142, Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41, Қарши 3—08, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55

Б № — 94. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 10135.